

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 6 декабрь, № 252 (7482) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

*Россия Федерациясида чоп этиладиган етакчи нашрлардан бири — “Московский комсомолец” газетасининг 2019 йил 3 декабрь сонида таниқли журналист Михаил Ростовскийнинг мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларга бағишланган “Ўзбекистон олға илдамламоқда” номли мақоласи эълон қилинди. Қуйида ушбу мақоланинг таржимаси берилмоқда.*

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛҒА ИЛДАМЛАМОҚДА

**Президент Мирзиёев даври йилномалари: қандай қилиб собиқ Совет Иттифоқи республикалари ичида энг ёпиқ ҳисобланган давлатлардан бири жадал суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлардан бирига айланмоқда**

Собиқ СССР маконида Россиянинг ҳар доим ҳам қулай ва тил топишса бўладиган бўлмаса-да, бироқ қудратли ва ишончли ҳамкор ва иттифоқдошлари кўпми? Маълумки, «бўлинмас иттифоқ» 15 та республикани ўз ичига олган. Бироқ юқорида айтилган рўйхатни тузиш учун бизга бир қўлимиз бармоқлари ҳам етади. Москва билан музокаралар чоғида Қозоғистон доимо ўз манфаатларини қатъий ҳимоя қилиб келади, лекин Нурсултон Назарбоев собиқ иттифоқ маконида доимо интеграциянинг бош ташаббускори бўлиб майдонга чиқади. Александр Лукашенконинг Кремлга нисбатан сохта ва ҳақиқий хафагарчилик ва норозиликлари шунчалик одат тусига кирганидан, улар деярли жиддий қабул қилинмай қўйиди. Бироқ Москва ва Минскнинг мудофаа соҳасидаги ҳамкорлиги туфайли мана бир неча ўн йиллардан буён беларусь флангидаги чегараларимиз мустаҳкам. Путин ва Арманистоннинг амалдаги раҳбари Никола Пашиняннинг шахсий муносабатларида кўпинча келишмовчиликлар юзага келади. Лекин қўшни Озарбайжон билан кўп йиллик, ҳолдан тойдирадиган даражадаги низога киришган Ереваннинг Россиядан бошқа суянган тоғи йўқ. Бу кичкина рўйхатимизга яна бир давлат қўшилганини маълум қилишдан мамнунман. Бу яқин вақтгача «ёлғиз сайр қилиш»ни афзал билган, Марказий Осиёдаги энг муҳим мамлакат ҳисобланадиган Ўзбекистондир.



Самолётимиз ярим тунда Хоразм вилоятининг маркази Урганч шаҳрида қўнишга шайланган вақтда ўзимиз учун вип-зал буюртма қилмаганимга уч карра афсусландим. Учиш вақтида таниш-билишларимиздан ўзбек чегара ва божхона хизматларининг одатлари ҳақида эшитган «қўрқинчли» воқеаларни шерикларим билан муҳокама қилдик ва бир неча соат давом этадиган ҳамда одамнинг тинка-мадорини қуритадиган тинтувга тайёрландик. Лекин қўрқувимиз асоссиз бўлиб чиқди: ҳамма нарса хамирдан қил суғургандек ўтди. Ташрифим сўнгида бу шунчаки бахтли тасодиф эмаслигини тушуниб етдим.

2016 йил кузида мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафотидан сўнг, экспертларнинг деярли ҳеч бири бу мамлакатда ҳақиқатан ҳам, муҳим ўзгаришлар рўй беришини мутлақо кутмаган эди. Минтақа бўйича мутахассислар бир овоздан 33 миллион аҳолига эга мамлакатни Каримов режимининг давоми кутмоқда, деб башорат қилди.

Бироқ Ўзбекистоннинг янги Президенти Шавкат Мирзиёев скептиклар фикрини бутунлай йўққа чиқаришга муваффақ бўлди. Республикада жадал суръатлар билан куни кеча иложсиздек туюлган ўзгаришлар бошланди. Каримов даврида Совет Иттифоқига хос жуда кўплаб жиҳатлар сақланиб қолган эди. Ўзбекистонликлар ўз юртини фақатгина «органлардан» чиқиш визасини олгандан сўнг тарк этиши мумкин эди. Мамлакатнинг миллий валютаси — сўмнинг доимо иккита, бир-биридан фарқ қилувчи айирбошлаш курси, яъни нореал расмий ҳамда «қора бозор» курси амал қилиб, бунинг учун ҳатто панжара ортига ўтириш ҳам ҳеч гап эмас эди. Ўқув йилининг илк ойларида мактаб ўқувчилари ва талабалар ўқиш билан эмас, далаларда пахта терими билан банд бўларди. Ўша пайтларда бу ерда Совет Иттифоқидаги собиқ қардош мамлакатлар билан миналанган чегара нуқталари ҳам учраб турарди. Мирзиёев даврида бундай эриш ҳолатлар ўтмишда қолди.

Кейинчалик Москвада Ўзбекистоннинг икки Президенти билан ҳам шахсан таниш бўлган Россия амалдорлари билан суҳбатлашар эканман, икки давлат раҳбарларининг хулқ-атвор белгиларида ҳам кескин тафовут мавжудлигига эътибор бердим. Ҳар қандай суҳбатдош билан мулоқот чоғида Ислом Каримов, асосан, монолог шаклига урғу берар эди. Шавкат Мирзиёев эса музокараларда ўзаро мулоқотга алоҳида эътибор қаратади. Каримов ўта ёпиқ ва босиқлиги билан ажралиб турарди. Мирзиёев эса, аксинча, очиқ табиатли инсон сифатида эътироф этилади.

Бироқ бу ҳолатни чуқур ўрганганим сари, Ўзбекистоннинг икки раҳбарини таққослаш ноўрин эканига бўлган ишончим янада мустаҳкамланарди. Каримовсиз Мирзиёев сиёсий майдонга чиқмаган бўларди. Мамлакатнинг қаттиққўл Биринчи Президенти томонидан асос солинган мустаҳкам сиёсий пойдевор бўлмаганда, иккинчи Президент ҳеч қачон Ўзбекистоннинг бутун дунё ва Россияга очилишига эришолмаган бўлар эди.

(Давоми 3-бетда).

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ УМУММИНТАҚАВИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАМКОРЛИКДА ҲАЛ ЭТИШГА ИНТИЛМОҚДА



*Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида 29 ноябрь куни бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашуви якунлари хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий доиралари, эксперт-таҳлил ҳамжамиятлари ва оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинмоқда. Россия, АҚШ, Европа, Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида Тошкент саммити натижалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг минтақа тараққиёти йўлида янги форматдаги мулоқотни ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббуси аҳамияти ҳақида сўз юритилмоқда.*

Хусусан, ташқи сиёсат, халқаро хавфсизлик ва иқтисодиёт соҳаларидаги масалаларни ўрганувчи Карнеги фондининг Москва маркази томонидан машҳур сиёсатчи, Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари бўйича мутахассис А. Дубновнинг Тошкент саммитига бағишланган мақоласи чоп этилди.

Муаллиф мақолада Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашуви минтақада ўтказиладиган бошқа кўп қиррали тадбирлар ичида алоҳида, муҳим сиёсий аҳамиятга эга эканига эътибор қаратади.

Унда қуйидагилар қайд этилади: “Минтақа давлатлари раҳбарлари илк бор Марказий Осиё муаммоларини дўстона ва конструктив руҳда муҳокама қилишга тайёр эканини намойиш этишди. Бу, ўз навбатида, минтақавий саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш аввалги уринишларга қараганда муваффақиятли бўлишига умид уйғотади”.

Сиёсатчининг фикрича, Тошкент саммити иштирокчилари таркибининг ўзи тадбирнинг аҳамиятидан, муҳимлигидан далолатдир. Қозоғистон Республикаси пойтахти Нур-Султон шаҳри (аввалги Остона)да 2018 йилда ўтказилган ушбу форматдаги биринчи учрашувдан фарқли тарзда, Ўзбекистонда ташкил этилган саммит тўлиқ таркибда, яъни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов иштирокида бўлиб ўтди. Саммитда Қозоғистон номидан мамлакатнинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев иштирок этди.

А. Дубнов саммитнинг яна бир ўзига хос жиҳатини қайд этади: “Ушбу мулоқот формати мунтазамлик хусусиятига эга. Тошкент саммити мезбони, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маълум қилганидек, учинчи Маслаҳат учрашуви келгуси йил Бишкек шаҳрида ўтказилади”.

Сиёсатчи “Марказий Осиё мамлакатлари учун умумий муҳокамалар платформасини яратишга бўлган уринишлар илгари ҳам бўлган эди”, дея тарихий воқеаларни ёдга олади.

1994 йилда таркибида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон бўлган Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти ташкил этилган эди. Саккиз йилдан сўнг, 2002 йилда Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти пайдо бўлди ва 2004 йилда унга Россия аъзо бўлди. Бир йилдан сўнг ташкилот Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти таркибига киради.

➡ 5

**Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллиги олдидан**

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

### СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

*Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласида суд ҳокимиятининг тутган ўрни беқиёсдир. Шу сабабли судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.*




Бу ислоҳотларга сўнгги уч йил мобайнида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар, Фармон ва қарорлар ҳуқуқий замин яратиб берди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судлари бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

➡ 5

**САЙЛОВ — 2019**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.**

**Бугунги сонда Ўзбекистон ХДП номидан “Халқ демократик партияси: Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз” сарлавҳали саҳифа эълон қилинмоқда.**

2-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУТЛАҚО ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда халқимизнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, миллионлар ўйини бўлган ва мамлакатимизда алоҳида ўрин тутадиган спортнинг футбол турига аҳолини, айниқса, ёшларни кенг жалб этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш, саралаб олиш (селекция) тизими ва футбол инфратузилмасини янада ривожлантириш, футбол бўйича спорт мактаблари фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини яхшилаш, ўтказилаётган мусобақалар савиясини юксалтириш каби масалалар долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда футболни аҳоли ўртасида энг оммавий спорт турига айлантириш, юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, мамлакат футболини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш, халқаро талаб ва стандартлар асосида футбол бўйича мутахассисларни тайёрлаш, футбол клублари фаолиятини ривожлантириш, терма жамоалар учун ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этиш, мамлакатимизда футбол бўйича йирик халқаро мусобақалар, жумладан, ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида жаҳон ва қитъа биринчиликларини ўтказиш мақсадида:

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНИГА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлат харидлари тизимининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда уни янада такомиллаштириш ҳисобига корпоратив буюртмачилар, шу жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3487-сон қарори билан тасдиқланган стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар:

энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали харидларни амалга оширишдан олдин давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида эълон жойлаштиради. Эълонда харид комиссияси томонидан таклифларни қабул қилиб олишнинг **ўн беш кундан кам бўлмаган** сўнгги муддати ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 52-моддасида назарда тутилган ахборот бўлиши керак;

(Давоми 4-бетда).

## ХОРАЗМДА ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ОЧИЛДИ

**Давлатимиз раҳбари юксак салоҳиятли кадрларни тарбиялаш мақсадида юртимиз ҳудудларида Президент мактабларини очиш ташаббусини илгари сурган эди. Шундай мактабларнинг навбатдагиси Хоразм вилоятида ўз фаолиятини бошлади.**



**Таълим**

Замонавий лойиҳа асосида қисқа муддатда қуриб битказилган мактаб 168 ўринга мўлжалланган бўлиб, 2 қаватли ўқув биноси, ошхона, 3 қаватли ётоқхона, хорижлик ўқитувчилар учун 15 ўринли меҳмонхона мавжуд. Спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилишига ҳам инновацион ёндашилган. Ҳар бир ўқув хонасида интерактив доска ва таблолар, шунингдек, таълим жараёнида фойдаланиладиган бошқа техник жиҳозлар мавжуд. Мактаб кутубхонаси Кембриж, Оксфорд университетлари ҳамда Коллинз нашриётининг “STEAM” дастури бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарлари билан таъминланган. Дарсликларнинг электрон шакли ҳам мавжуд бўлиб, бу ўқувчиларга янада қулайлик туғдиради.

➡ 5

## Халқ демократик партияси:

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН КУРАШАМИЗ

**Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмизки, юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви халқимизнинг хоҳиш-иродаси ҳамда юксак демократик талаблар асосида тобора такомиллашиб бормоқда. Бу жараёнда фуқароларнинг Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган устувор ҳуқуқлари тўла таъминланмоқда ва натижада улар кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпти.**

**Шуларга мос ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалалари юзасидан сиёсий партияларнинг нуқтаи назари ва позицияларини билдириш, қатъий туриб ҳимоя қилиш кафолати мустаҳкамланди. Хусусан, Халқ демократик партияси дастури ҳам такомиллашди. Юртимизни янада демократлаштириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар шароитида партиямиз ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор стратегик мақсадларни илгари сурмоқда. Аҳолининг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатлари билан боғлиқ муҳим ҳамда асосли таклифларни ўртага ташлади.**

**Мулоҳазаларни аҳолини ўйлантираётган ижтимоий муаммолар, уларни ечишга қаратилган партия таклифлари мисолида давом эттирамиз.**

## Ўзбекистонда қишлоқлар қачон ривожланади?



**Акмал ТУРСУНБОЕВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:**

— Айни пайтда мамлакатимизда 113 олий таълим муассасаси фаолият олиб боряпти. Шундан 30 таси маҳаллий ва 21 таси чет эл ОТМларининг филиали. 2019/2020 ўқув йилида 1 миллион 66 мингдан зиёд абитуриентлар олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжат топширган бўлса, улардан 130 минг нафарга яқини талабаликка қабул қилинди, холос. Ўқишга кира олмаган 1 миллион нафарга яқин ёшлар сафига кейинги йили яна 500 минг атрофидаги битирувчилар келиб қўшилади.

Бу рақамлар Ўзбекистонда деярли барча соҳада олий маълумотли кадрларга эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бораётганининг асл сабабини кўрсатиб турибди.

**Муаммо шундаки,** чекка қишлоқ мактабларида ўқув-тарбия сифати тушиб кетгани туфайли қишлоқ ёшлари ОТМга кириш имтиҳонларидаги кучли рақобатга дош бера олмаяпти. Олий ўқув юртига кирганлари ҳам ўқишни тугатиб, қишлоғига қайтмайди, балки шароитлар нисбатан яхши бўлган шаҳарларда қолиб кетмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллий ОТМга ўқишга кира олмаган минглаб қишлоқ ёшлари бошқа давлатлардаги олий ўқув юртларига ҳужжат топшириб, катта қийинчиликлар билан олий маълумот олишга мажбур бўляпти. Уларнинг дипломи эртага ўзимизда тан олинадими, йўқми, бу ҳам жиддий муаммо.

Оқибатда олис қишлоқ ҳудудларидаги мактаблар ва қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда бошқа ижтимоий соҳа объектларида малакали ва тажрибали мутахассислар етишмовчилиги масаласи ўткир муаммога айланди.

Партиямиз қишлоқ жойларда ижтимоий соҳа объектларининг бугунги фаолияти талаб даражасида эмаслиги, аҳолига таълим ва тиббий хизмат кўрсатиш сифати пастлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида, асосан, олий маълумотга эга бўлмаган — қишлоқ хўжалиги илмидан деярли бехабар фуқаролар меҳнат қилаётганини малакали кадрлар етишмовчилигидан, деб ҳисоблайди. Бу муаммони бартараф этиш учун тизимли ислоҳотларни амалга ошириш керак, деган ташаббусни илгари суряпмиз.

### Таклифларимиз қуйидагилардан иборат:

- ✓ *— юртимизда нуфузли маҳаллий ва хорижий университетларнинг филиалларини очиш ҳисобига олий ўқув юртлари сони ва квоталарни кўпайтириш;*
- ✓ *— қайси ҳудудда яшашидан қатъи назар, умумий ўрта таълим олишда барча учун тенг шароитлар яратиш, қишлоқ мактабларида ўқув-тарбия сифатини тубдан яхшилаш;*
- ✓ *— қишлоқ ёшларини кейинчалик ўз қишлоғида ишлаш шарти билан давлат грантлари асосида олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиш тизимини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш;*
- ✓ *— шаҳарларга бориб, олий таълим олиш имкониятига эга бўлмаган иқтидорли қишлоқ ёшларига замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда масофадан таълим бериш, касб-ҳунар ўргатишни йўлга қўйиш;*
- ✓ *— олис қишлоқ ҳудудларидаги мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда бошқа ижтимоий соҳа объектларига малакали ва тажрибали мутахассисларни жалб этиш мақсадида уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмини қонунан мустаҳкамлаш зарур.*

Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярмига яқин қисми қишлоқларда яшашини ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, қишлоқ ёшлари маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, таълим, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ҳар жиҳатдан ривожлантиришга қодир бўлган малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

## Ёш болали оналарни нима қийнаяпти?

**Лазиза ШЕРОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:**



— Тегишли ҳужжатларга асосан, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш ёши 3 ёш этиб белгиланди. Унгача эса 2 ёшдан 6 ёшгача бўлганларни қабул қилиш мумкин эди. Шунга кўра, аёл фарзандини дунёга келтирганидан сўнг, 2 йил давомида ҳақ тўланадиган таътилга чиқиши, кейин фарзандини мактабгача таълим муассасасига бериб, ўзи ишлаши мумкин бўларди. Эндиликда бу ёш чегараси бир йилга кўтарилди.

Мутахассисларимиз ушбу ёшни танлашда боланинг жисмоний, руҳий-психологик ва бошқа томонлама ўзини тўлақонли эплай олиши назарда тутилганини кўп бора таъкидлашди. Дарҳақиқат, болага ҳеч ким ўз онасидек қарай олмаслигини, унга онадай меҳрибон бўла олмаслигини яхши биламиз.

**Муаммо шундаки,** 2-3 ёш оралиғида фарзанди борларнинг аксарияти ёш оилалар. Уларнинг кўпчилигида эр ҳам, хотин ҳам ишлайди. Рўзғорини тиклаб олиши, оёққа қўйиши керак, улар учун бир кун ишлаш ҳам фойдали.

Имкониятлардан оқилона фойдаланиб, кредитга уй-жой ва бошқа зарур нарсалар харид қилаётган ёш оилалар жуда кўп. Аммо айрим оилаларда фақатгина эркакнинг топгани етмаяпти. Оила бошлиғи рўзғорни ҳам моддий жиҳатдан таъминлашга, ҳам кредит тўлашга қийналиб қолиши мумкин. Бундай шароитда аёллар ишлаб, турмуш ўртоғига ёрдам беришга интилади.

Бироқ бундай оилаларнинг ҳаммасида ҳам фарзандига қараб турадиган яқин қариндош, бувиси, яъни ишончли қаровчи йўқ. Ана шундай шароитда, албатта, оиланинг ягона муаммоси болани унга ғамхўрлик қиладиган боғчага топширишдан иборат бўлиб қолади. Бироқ мактабгача таълим муассасасида болани қабул қилиш ёши, ҳали айтиб ўтганимиздек, 3 ёш этиб белгиланган.

Яна бир масала борки, 2 ёшдан кейин оилаларга бола пули ҳам тўланмайди. Бу эса ёш оилалар, ёлғиз оналар учун қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Кўпчилик аёлларимиз шу каби муаммолар юзасидан дардини кимга айтишни билмай ҳайрон.

Тўғри, 2 ёшдан ҳам болаларни боғчага қамраб олиш мумкин. Бунинг учун ота-она нодавлат оилавий мактабгача таълим муассасаларига мурожаат қилади. Уларда эса нарх-наво жуда қиммат. Бу имкониятдан фақат даромади юқори бўлган оилаларгина фойдаланиши мумкин. Лекин ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларчи? Улар қандай йўл тутиши керак? Ишламайман деса, оиласи қийналиб қолади, ишлайман деса, боласи ҳали 3 ёшга тўлмаган. Бу билан аёлларнинг меҳнат ҳуқуқи чекланмаяптими?

Мисол учун, оилада 2 ёки 3 нафар фарзанд бор. Кичик фарзанди ҳали 3 ёшга тўлмаган. Рўзғорнинг каму кўсти учун ишлатиб келинаётган, яъни давлат томонидан берилаётган маблағ 2 ёшдан сўнг тўхтатилди. Бундай шароитда қандай йўл тутиш керак? Ёлғиз оналар нима қилади? Бу масалага, албатта, адолатли ечиб топиш даркор.

### Таклифимиз:

- ✓ — мактабгача таълим муассасаларида 3 ёшдан кичик болалар учун махсус тарбия гуруҳларини ташкил этиш зарур.

Аёл ишламоқчими, бунинг учун унга шароит яратиб берилиши зарур. Бу ҳар бир аёлнинг қонуний ҳуқуқидир. Она оиласи, фарзандлари учун ишлаш истагида экан, онанинг бу хоҳишини чеклаб бўлмайди.

## Кун кўриш эмас, яхши яшаш муҳим

**Саидали ЮСУПОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бош консультанти:**



— Ойлик маош инсоннинг турмуш фаровонлиги ва яшаш сифатини кўрсатиб берувчи муҳим омилдир. Ўзбекистонда сўнгги уч йилда юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи сезиларли даражада ошган.

Жумладан, бундай юқори ўсиш суръати соғлиқни сақлаш, таълим, банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти, саноат, қурилиш соҳаларида яққол кўзга ташланади. Шу қатори тадбиркорлик фаолиятининг тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш ва мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли тадбиркор, хусусий бизнес эгаларининг ҳам топиш-тутишига барака кирмоқда. Бугун тадбиркор, дейилса, юқори даромад эгасини тасаввур қиламиз.

**Муаммо шундаки,** бозор иқтисодиёти шароитида барча тадбиркорлик субъектлари ҳам юқори маош тўланадиган барқарор иш ўринлари ярата олмаяпти. Хусусий корхонада ишлаш деганда, баъзида товар экспорт қилувчи нуфузли фирмада юқори маош асосида фаолият юритиш тушунилса, баъзида барқарор ва турғун бўлмаган иш, мукофот пули ва бошқа имтиёзлар қўлланилмайдиган иш ҳақи, маошнинг мавсум ва сотув ҳажми камайганда пасайиб кетиши каби ҳолатлар кўз олдимизга келади.

Кичик бизнес субъектларида ишчилар арзимаган маошга кун кечириши ҳолатлари ҳам учрамоқда. Масалан, фермер хўжаликларида ерга экин экиб олиш шарти билан, ойликсиз ишлаётганлар, тикув цехларида мавсумига, иш кўламига кўра камгина пулга қаноат қилиб меҳнат қилаётганлар ҳам бор. Ҳатто баъзи хорижий корхона ва ташкилотлар Ўзбекистонга арзон ишчи кучи манбаи сифатида ҳам қарайди. Тадбиркорлик субъектларида ойликнинг камлигига айрим ҳолларда тадбиркорларнинг кўпроқ фойда олиш учун арзон ишчи кучини қидириши сабаб бўлса, баъзи ўринларда юқори маош тўлаш учун имконият ва шароитлар етарли эмаслиги, иш ҳақини ошириш учун қўшимча имтиёзлар йўқлиги бунга тўсқинлик қилади.

### Таклифимиз:

- ✓ — ҳар кимнинг меҳнати муносиб баҳоланиши, меҳнатига мос ҳақ олиши ва тадбиркорлик субъектларининг ўртача иш ҳақидан юқори маош тўланадиган барқарор иш ўринлари яратишини рағбатлантириш зарур.

Ойлик маош, жилла қурса, “истеъмол саватчаси” — муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўплами учун етарли бўлиши лозим. Бу, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг устувор ҳуқуқи эканини асло эсдан чиқармаслик керак.

Шуни инобатга олиб, тадбиркорлик субъектларини ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақидан юқори маош тўланадиган барқарор иш ўринлари яратишга рағбатлантириш ниҳоятда долзарб, деб биламиз.

Аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, юқори маошли иш ўринлари билан таъминлаш қандай имтиёзлар асосида амалга оширилишини белгилаш ҳам муҳим.

### Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этиш лозим:

- ✓ ***биринчидан,*** *меҳнатга ҳақ тўлаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий тўловларнинг дифференциал ставкасини белгилаш ўринли. Бунда корхона тўлайдиган ўртача иш ҳақи қанча юқори бўлса, ягона ижтимоий тўловнинг миқдори шунча пасаяди. Натижада корхоналар имконияти доирасида ойликларни оширишга интилади. Ойлик юқори бўлган иш ўринларига рақобат асосида малакали кадрлар саралаб олинади;*
- ✓ ***иккинчидан,*** *иш ҳақи ўртача ҳисобланган номинал миқдоридан паст маош тўлайдиган корхона ва хусусий тадбиркорларга қонунда белгиланган солиқ имтиёзларини қўлламаслик, даромадига эса юқори ставка бўйича солиқ солиш мақсадга мувофиқдир.*

Ойлиги рўзғор тебратишга етарли бўлган инсон эртанги кундан кўнгли тўқ ҳолда хотиржам яшайди, мамлакат равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилади, чет элга бориб ишлашни хаёлига келтирмайди. Юқори ойлик таклиф этаётган тадбиркорнинг фаолияти кенгайиши, малакали ходимлар билан иши илдамлашига ҳам шубҳа йўқ. Биз мустақил Ўзбекистон халқининг фаровон ҳаёт кечириши учун тадбиркорлик фаолиятини изчил қўллаб-қувватлаш орқали юртдошларимизнинг юқори даромад олишини таъминлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

## Уйнинг баҳоси ярим умрга тенг...

**Дурбек ХУДОЙҚУЛОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:**

— Одамларимиз ўзи, оиласи ва фарзандлари учун қулай уй-жой қурмагунча ёки унга эга бўлмагунча ҳаловат топмайди. Ўзбек оиласи, бола-чақаси билан ижарама-ижара кўчиб юришни, “қирққа кириб ҳам ўз уйига эга бўлмаслик”ни қабул қила олмайди.

**Муаммо шундаки,** бугунги шароитда орзу-ҳавасдагидек уй-жой қуриш, уни сотиб олиш кўпчилик оилалар учун жиддий қийинчилик туғдирмоқда. Қурилиш молларининг нархи қимматлиги туфайли уй кўтариш, янгидан қурилган, замонавий ёки арзонлаштирилган уйларни сотиб олиш ҳам қимматга тушмоқда. Оқибатда айрим ёшлар уй-жойи йўқлиги, ота-онаси унга шароит яратиб беролмаётгани учун оила қуришга шошилмаётир. Кўплари бошпана учун пул тўплаш мақсадида оғир меҳнатларни қилишга, чет элларда ишлашга, емай-ичмай мисқоллаб пул йиғишга мажбур бўлмоқда. Тайинли уй-жойи йўқлиги сабабли қатор ёш оилалар бузилиб кетаётгани ҳам сир эмас.

Бу вазиятнинг умумий манзараси шундайки, кўплаб юртдошларимиз бир умр, камида ярим умр елиб-югуриб топган-тутганини ўзи ва фарзандлари учун уй-жой қилишга сарфламоқда. Ҳаммасига эга бўлганда эса кучини ва соғлиғини муайян даражада йўқотган бўлади.



### Таклифимиз:

- ✓ — уй-жойга эга бўлишда мамлакатимизда мутлақо янгича тизим жорий этиш, ижтимоий-иқтисодий имконияти чекланган кишилар манфаатларини ҳимоялаш зарур. Шуни инобатга олган ҳолда, халқимизни, энг аввало, ёшлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари арзон ва сифатли уй-жойга эга бўлишини таъминлаш ниҳоятда муҳим.

Табиийки, мазкур вазифаларни тўлиқ амалга ошириш катта маблағ, куч ва вақт талаб этади. Бунинг ҳаммага қулай бир йўли, чораси йўқми? Шундан келиб чиқиб, партиямиз ташаббуслар билан чиқмоқда.

### Бунинг учун қуйидагиларни амалга оширишимиз керак:

- ✓ *— дунёнинг қатор ривожланган давлатларида “ҳашамат солиғи” мавжуд. Ҳашаматли ипотека уйларини қураётган компания ва тижорат банклари даромадидан мажбурий ажратмалар олиб қолиш тартибини қонунан жорий этиш керак. Бу маблағ махсус фондларга йўналтирилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жумладан, уй-жойи йўқ, яшаш шароити оғир аёллар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган шахслар учун арзон уй-жой қуришга сарфланади;*
- ✓ *— муайян ойлик даромадга эга, аммо жойларда қурилаётган уй-жойларни ипотека кредити асосида харид қилиш учун дастлабки бадал пулини тўлашга қурби етмайдиган оилалар, ёшлар учун уйни дастлабки бадалсиз сотиб олиш имкониятини яратиш лозим;*
- ✓ *— ижара асосида яшаётган аксарият оилалар ва ёшларнинг уй сотиб олишга қурби етмайди. Шу билан бирга, улар топган даромадининг катта қисмини уй-жой ижараси учун сарфлайди. Табиийки, бу уларнинг яқин келажакда ўз уйига эга бўлиш имкониятини янада камайтиради. Шу боис арзон уйларни олиш, ижара асосидаги квартираларда туришга моддий имконияти етмайдиган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ижара асосида фойдаланишга мўлжалланган муниципиал уйларни қуриш керак, деб биламиз.*

*Муниципал уй-жой дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида мавжуд бўлиб, улар қулай, ихчам, замонавий ва ижара тўлови арзонлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай уйларни мавжуд талаб асосида мамлакатнинг барча туман ва шаҳарларида қуриш, шу орқали аҳолининг ишлаш, ўқиш ва яшаш учун ўзи истаган жойга бемалол кўчиб ўтишига қулай шароит яратиш лозим.*

Нима учун? Негаки, яшашида ва уй-жой масаласида ҳаловати бўлмаган инсон ўзини бахтли ҳис этмаслигидан ташқари, ҳеч бир соҳада ёки ишда муваффақиятга эриша олмайди. Биз эса аҳолининг уй-жой масалалари билан боғлиқ ана шу оғриқли муаммоларини ҳал этиш орқали уларнинг бахтиёр ҳаёт кечиришларини таъминламоқчимиз.

**Ҳурматли сайловчилар! Ҳар доим халқ манфаатлари ҳимояси ҳақида ўйлайдиган Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!**

**БИЗ СИЗНИНГ МАНФААТИНГИЗ УЧУН ҚАТЪИЙ КУРАШАМИЗ!**

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛҒА ИЛДАМЛАМОҚДА

## Президент Мирзиёев даври йилномалари: қандай қилиб собиқ Совет Иттифоқи республикалари ичида энг ёпиқ ҳисобланган давлатлардан бири жадал суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлардан бирига айланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### Каримов қандай қилиб Ўзбекистонни қутқарган?

«Бинога қарийб 130 метр қолганда, кўз ўнгимизда портлаш юз берди, қандайдир буюмлар ва машина қисмлари ҳавога учди. Президент девонига қайтиш учун машинамни бурдим. Бу бино теракт содир бўлган жойдан 600 — 700 метр нарида бўлишига қарамай, у ерда ҳам портлаш оқибатида ойналар



синган эди. Қўрқувдан ўзини йўқотиб қўйган ва саросимага тушган одамлар кўчага югуриб чиқаётган эди. Ислом Абдуғаниевич уларнинг ёнига бориб, шундай деди: «Хотиржам бўлинглар. Биз бу синовни албатта енгиб ўтамиз...» Ислом Абдуғаниевич портлаш жойига яқин Вазирлар Маҳкамасига қайтишга қарор қилди... Бинога келгач, портловчи моддалар билан тўлдирилган машиналар портлашидан ҳосил бўлган улкан чуқурни, портлаш тўлқинидан синган ойна синиқлари билан жароҳатланган одамлар, қисман вайрон бўлган биноларни кўрдик. Майдонда туриб шаҳарнинг бошқа жойларида турли вақт оралиқларида рўй бераётган портлаш овозларини эшитдик».

Ўзбекистон Биринчи Президентининг қўриқчиси Усмон Бердимуродовнинг бу ҳикоясига мен Каримов фондида менга совға қилинган хотиралар китобида дуч келдим.

Албатта, 1999 йилнинг 16 февралида содир бўлган, юқорида зикр этилган бир қатор портлашлар каби драматик ҳодисалар Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларида ҳар куни ҳам юз бермаган. Лекин бир нарсага шубҳа йўқ: 1989 йилнинг июнь ойида Ислом Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимида иш бошлаганида жуда оғир сиёсий ва иқтисодий меросга эга бўлган эди.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг рафиқаси Татьяна Акбаровнанинг дастхати билан менга совға қилинган хотира китобини варақлар эканман, 90-йиллар охири ва 2000-йиллар бошида Ўзбекистоннинг Москвадаги элчиси лавозимида ишлаган эски танишим Шоқосим Шоисломовнинг қуйидаги ҳикоясини ўқиб қолдим: «1986 йил бошида Москвада ёши 35 ёшдан ошмаган 40 нафар кишидан иборат «ёш кадрлар захираси»ни тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Марказий Комитет ташкилий бўлими инструктори лавозимида ишлаганим учун мен ҳам бу рўйхатга киритилдим. 1986 йил март ойида бизга Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госплани раиси билан учрашув бўлиши ҳақида хабар беришди. Олдимизга кўриниши ёш, тик қоматли бир киши чиқди. Бу Ислом Абдуғаниевич Каримов эди. У ортиқча эҳтиросга берилмаган ҳолда, босиқлик билан бизга республика иқтисодиётининг жорий ҳолати ҳақида сўзлаб беришини маълум қилди. Сўнгра, қоғозларга қарамай, бир соату қирқ дақиқа давомида бизни саросимага тушириб қўйган маълумотларни баён қилди. Биз эшитганларимиздан нафақат ўзимизни йўқотиб қўйдик, балки руҳан эзилдик.

Маърузачининг фикрларидан шундай маъно келиб чиқардики, Ўзбекистон деярли барча соҳаларда аҳоли жон бошига нисбатан кўрсаткичлар бўйича собиқ Иттифоқда охирги ўринларни эгалларди. Залга оғир сукунат чўкди. Чўзилиб кетган сукунат туфайли туғилган ноқулайликни енгиш учун, мен гуруҳ бошлиғи сифатида савол бердим: агар Ўзбекистондаги вазият шунчалик оғир бўлса, республика раҳбарияти қаерга қараяпти? Ислом Каримов залга диққат билан қараб: «Мен ҳам буни билишни истар эдим», деди.

Албатта, Ислом Каримовнинг сафдошларини марҳум устозига нисбатан ён босишда гумон қилиш мумкин. Аммо улар томонидан вазиятга берилган баҳо, Каримовга хушомад қилишдан ҳеч қандай фойда кўрмайдиган инсон — Ўзбекистон КП МК биринчи котиби лавозимида ундан олдин ишлаган Рафиқ Нишоновнинг хотираларида ҳам ўзининг тўлиқ тасдиғини топади. Икки сиёсатчи ўртасидаги муносабатлар самимийликдан йироқ бўлган. Ўз хотираларида Нишонов Каримовнинг фамилиясини тилга олмасликка ҳаракат қилади. Аммо у ўзи республика раҳбари лавозимини эгаллаган қисқа, яъни бир ярим йиллик даврда Ўзбекистондаги вазиятга берган таърифининг ўзи яққол баҳодир: «Ишларнинг ҳолатини таҳлил қилар эканман, мен ҳар жабҳада таназзул изларини кўрардим. Муаммолар қалашиб кетган, бошни чангаллашдан бошқа илож қолмаган эди».

Афсуски, ушбу муаммолар фақат Ўзбекистон иқтисодиётидагина тўпланиб қолмаган эди. СССР ҳукм сурган сўнгги йилларда сиёсий беқарорлик тўлқинлари барча республикаларни тўла қамраб олган эди. Ўзбекистон ушбу тўлқинлар олдида ниҳоятда ҳимоясиз қолди. Республиканинг сиёсий элитаси маънан эзилган, тушкунликка юз тутган эди. «Ўзбек иши» деган сохта кампания баҳонасида олий бўғин раҳбарлари қамоққа олинар эди. 1989 йилда яқиндагина Министрлар Советининг раҳбари бўлган шахс ҳам, республика партия Марказкомининг собиқ биринчи котиби ҳам қамоқда сақланаётганини айтишнинг ўзи кифоя. Ўша пайтларда биронта собиқ иттифоқ республикасида бундай оғир вазият кузатилмаган. Тобора кучайиб бораётган сиёсий бўшлиқ, ижтимоий ҳимоясизлик, аҳоли сонининг кескин ортиб бориши ва диний экстремистлар таъсирининг ортиб бориши Ўзбекистонда носоғлом кучларнинг зўравонлиги юзага келиши учун шарт-шароитлар яратиб берди. Ана шундай зўравонлик ҳолатлари содир бўлди ҳам.

Рафиқ Нишонов Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг партия раҳбари лавозимига тайинланишидан бир неча кун олдин содир бўлган воқеаларни шундай тасвирлайди: «3 июнь кечки пайт меҳмонхонада ҳаётимдаги энг даҳшатли қўнғироқлардан бири чалинди. Менга Фарғонадан телефон қилиб, Тошлоқ, Комсомольский посёлкаларида, Марғилон шаҳрида жанжал-тўполонлар содир бўлаётгани ҳақида хабар қилишди. Бир неча соатлардан бери месхети турклар қирғини давом этар эди. Уюшган ёшлар тўдалари уйларга бостириб кирар, талончилик, зўравонлик қилар, ёвузларча одам ўлдирар, уй-жойларга ўт қўяр эди. Босқинчилик «Турклар, Ўзбекистондан йўқолларинг» деган ҳайқириқлар билан давом этар эди. Бир кун ўтгач, СССР ички ишлар вазири Вадим Викторович Бакатин билан бирга Фарғонага жўнаб кетдим. Бакатин билан бирга талафот етган туманларни кўздан кечирар эканмиз, йўлда юк машинасига чиқиб олган йигитларни учратар эдик, улар қўлларида таёқ, монтировка, ёнадиган моддали бутилкалар ва ҳатто қурол ҳам тутиб олган эди. Ҳолбуки, энг хавфли участкаларга ички ишлар жангчилари қўйилган эди».

СССР тарқалган пайтда Ўзбекистон учун сиёсий нуқтаи назардан, айниқса, ўта инқирозли вазият вужудга келди. 1991 йил декабрида расмий давлат тузилмалари аҳоли сони бўйича Ўзбекистонда иккинчи шаҳар ҳисобланадиган Наманганда вазиятни қўлдан бой берди. Ҳокимият амалда ўзини «амир» деб эълон қилган 23 яшар Тоҳир Йўлдошев бошчилигидаги радикал ақидапарастлар қўлига ўтди. Эшитишимга қараганда, Каримов дарҳол Наманганга учиб келган, мутаассиб тўда марказига кириб борган, Йўлдошевнинг қўлидан микрофонни тортиб олган ва «Одамлар, ишонманг!» деб қичқирган экан. Ўзбекистон Президенти камсонли қўриқчилари билан «Як-40» самолётида экстремистлар эгаллаб олган шаҳарга етиб келиб, аҳоли ва радикал оқим етакчилари билан музокарага киришган ва сиёсий жиҳатдан устунлиги билан аста-секин уларни енгган.

Мўъжиза туфайли сақланиб қолган, ўша воқеалар муҳрланган видеоёзувлардан кўринадики, Ислом Каримов Тоҳир Йўлдошни «ука» деб атайди ва экстремистлар билан вазмин оҳангда мулоқот қилади. Ўйлайманки, унинг суҳбатдошлари кейинчалик ушбу давомли суҳбатни кўп эслашган бўлса керак.

Расмий Тошкентнинг яширин экстремистлар билан кураши узоқ ва машаққатли кечди. Аммо Каримов куч ишлатишни сиёсий воситалар билан ҳамоҳанг олиб бориш орқали нафақат ўз юртида, балки бошқа ҳудудларда ҳам вазиятни ўзгартиришга муваффақ бўлди. Ўрта Осиёдаги беқарорликка қарши курашда Ўзбекистон Биринчи Президентининг роли ҳақида Россия Фанлар академияси Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро алоқалар институтининг Яқин Шарқ тадқиқотлари маркази раҳбари Ирина Звягельская шундай дейди: «СССР таназзулга юз тутиб, Тожикистонда фуқаролар уруши бошлангач, расмий Москва аввалига бу воқеага аралашишни истамади. Россиянинг раҳбар доираларида, ушбу собиқ совет республикасида демократлар коммунистлар билан жанг қиляпти, деган қараш ҳукмрон эди.

Ислом Каримовнинг Москвага ташрифи вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. Ўзбекистон Президенти Ельцинга мухолифатнинг аксарияти ҳеч қандай «демократ» эмас, балки ҳақиқий ақидапараст эканини тушунтира олди. Шундан сўнг Тожикистонда жойлашган, Москвага бўйсунувчи 201-дивизия экстремистлар билан кескин жангга киришди. Каримов туфайли Марказий Осиёда «домино» эффектининг олди олинди. Минтақани тўлиқ беқарорлаштириш хавфи йўқолди».

Ўзбекистоннинг Биринчи Президентидан миннатдор бўлиш учун, ўйлайманки, шунинг ўзи ҳам етарли. 2016 йил сентябрида Ислом Каримов вафотидан сўнг Владимир Путин у ҳақда шундай деган эди: «У менга хайрихоҳ муносабатда эди. Ислом Абдуғаниевичнинг ёши мендан каттароқ эди, шу сабабли шахсий мулоқот пайтида у менга исмимни айтиб, «сен» деб мурожаат қиларди. Бунда аллақандай самимият, инсоний яқинлик ва иликлик бор эди».

Ислом Каримов Ўзбекистонда барпо этган режимнинг камчиликларини тўлиқ англаган ҳолда, мен нима сабабдан Путин у билан шунчалик таъсирчан, чин кўнгилдан видолашганини тушунгандайман.

### Янги давр кунлари

Ўзбекистоннинг иккинчи Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсат майдонида биринчи марта пайдо бўлиши 1991 йилга бориб тақалади. Ўша пайтдаги Ўзбекистон Олий Совети Ислом Каримовга тўлиқ садоқатли эмасди. Парламент сессияларидан бирида бир гуруҳ мухолифатчилар ўзига хос пинҳона фитна уюштиришга — Президентни ўз лавозимидан бўшатишга ҳам уриниб кўрадилар. Каримов ҳақидаги хотиралар китобида қайд этилишича, ўша пайтда Олий Советда Мандат комиссияси раиси лавозимида фаолият юритган Шавкат Мирзиёев исёнчиларга «кескин зарба берганлардан» бири бўлган.

Кейинги йилдан бўлажак Президентнинг Ўзбекистон ижро ҳокимияти тизимида хизмат пиллапояларидан бир текис, айни дамда тез суръат билан ўсиш даври бошланади. Аввалига у Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг биринчи проректори лавозимидан пойтахт туманларидан бирининг раҳбари вазифасига тайинланади. 1996 йилда Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти ҳокими даражасига кўтарилади. 2001 йилда Самарқанд вилоятига айни шундай лавозимга тайинланади. Ва ниҳоят, 2003 йилда бўлғуси Президент республика Бош вазири этиб тайинланади.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида ҳукумат раҳбари лавозими — энг асосий ва муҳим лавозим саналади. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Лекин унинг мустаснолиги шунда эдики, Каримов даврида Бош вазир ўзининг сиёсий хусусиятларини оммавий намойиш этиш ҳуқуқига ҳам, имконига ҳам эга эмасди. Ўша йиллари Тошкентга ташриф буюрган Москванинг юқори мансабдорлари менга ҳатто ёпиқ музокараларда ҳам республика Бош вазири олдиндан тайёрлаб қўйилган матнни ўқиб беришга мажбур бўлгани ҳақида сўзлаб беришган эди.

> *Бир томондан, Шавкат Мирзиёев уч йиллик раҳбарлиги давомида анча кўп ишлар амалга оширилган. Кўплаб кераксиз тўсиқларнинг бекор қилиниши туфайли республикада мутлақо бошқача муҳит шаклланмоқда. Мамлакат пойтахти Тошкент улкан қурилиш майдонини эслатади. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари хорижий сайёҳлар билан гавжум. Бошқа томондан эса, Ўзбекистон олдида ҳали амалга оширилиши керак бўлган кўп ишлар тургани кўриниб турибди.*

2016 йилда Ислом Каримов вафотидан сўнг Шавкат Мирзиёев ўзининг сиёсий салоҳиятини яққол намоён этиш имкониятига эга бўлди. У аввалига Президент вазифасини бажарувчи, сўнгра халқ томонидан Ўзбекистон Президенти этиб сайланади.

Давлат раҳбари сифатидаги қатъий позициясини билиш мақсадида Шавкат Мирзиёевнинг сўнгги баёнотларидан бирини олайлик: «Биз халқимизни рози қилишимиз, халқ билан, инсонлар билан бевосита мулоқотда бўлишимиз керак. Бугун ҳеч кимнинг кечагидек ишлашга ҳаққи йўқ. Маҳдудлик, коррупция, ошна-оғайнигарчилик ишга ҳеч қандай ёрдам бермайди... Шаҳар ва туманларнинг кўпгина ҳокимлари эскича услубда ишлашни давом эттиришни хоҳлайди. Агар улар халқни рози қилмаса, уларнинг оёғи ердан узилган бўлса, билингки, биз уларни ишдан бўшатишга мажбур бўламиз... Токи ҳаёт бор экан, биз орзу қилишдан, мақсадимиз сари олға боришдан тўхтамаймиз. Бироқ сен раҳбар сифатида халққа хизмат қилишга бел боғлаган экансан, ишга путур етказадиган барча масалаларни орқага ташлашинг керак... Битта нотўғри босилган қадам оёғимизга кишан бўлади, игна билан қудуқ қазигандек қийинчилик билан эришган обрўйимизга катта зарар етказади».

Горбачёв ва Ельциннинг кўплаб баландпарвоз, бироқ ҳаёт воқелигига тўғри келмайдиган нутқлари россияликларда «халққа хизмат қилиш» мавзусидаги қуруқ гапларга нисбатан маълум бир истеҳзо кайфиятини пайдо қилган эди. Бироқ Шавкат Мирзиёев ўзбек амалдорлари учун бутунлай янги бўлган сиёсий маданиятни сингдиришга ҳаракат қилган ҳолда, фақатгина «ишдан



бўшатиш» билан пўписа қилмаяпти. У шахсан ўзига яқин бўлган кишилар ҳақида гап борганда ҳам ушбу ваъдасини бажаради. Бўлажак Президент Самарқанд вилояти ҳокими бўлган даврларда профессионал иқтисодчи бўлган Зоир Мирзаев молия бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган эди. Бир неча йилдан сўнг Мирзаев анча кўтарилиб кетади. У Каримов томонидан Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинланади. Кейинчалик янги Президент Мирзиёев эса унга қишлоқ ва сув хўжалиги вазири — Бош вазир ўринбосари лавозимини ишониб топширади.

Президентнинг доимо эътиборида бўлиб келган бу кадрнинг карьераси 2018 йил октябрга келиб тўсатдан тўхтаб қолди. Зоир Мирзаев Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманига текширув ташрифи чоғида буғдойни суғориш сифатидан кўнгли тўлмайди. Бош вазир ўринбосари «бепарво қишлоқ хўжалиги ходимларини тарбиялаш» мақсадида уларнинг олти нафарига сув билан тўлдирилган ариққа тушиб, оғир тошларни кўтарган ҳолда, қатор бўлиб туришни буюради. Олдинги мезонларга кўра, бу хатти-ҳаракатда ҳеч бир уятли, ҳатто эътиборга лойиқ нарса йўқ. Совет даврида олий мартабали бошлиқлар кўпчиликнинг олдида қўл остидагиларни нафақат ҳақоратлаш, балки бюрократик тил билан айтганда, уларга нисбатан «жисмоний чоралар кўриш»га ҳам одатланиб қолган эди. Бироқ ариқ ва тошлар билан боғлиқ воқеа бошқача якун топади. Воқеа акс этган фотосурат интернетда пайдо бўлганидан сўнг Президент Мирзаевни ўз вазифасидан бўшатади.

Қарийб бир йил давомида олис бир туман ҳокими лавозимида ишлаган Зоир Мирзаев «сиёсий жиҳатдан обрў-эътиборини тиклайди»: вилоят ҳокими вазифасига тайинланади. Бу Шавкат Мирзиёев кек сақламаслигидан ва хатога йўл қўйган қўл остидаги ходимларга иккинчи бор имконият беришга тайёр эканидан далолатдир. Бу Ўзбекистон Президенти мамлакатни модернизация қилишга киришганидан сўнг дуч келган тизимли муаммо — малакали, ишончли ва янгича бошқарув кадрлар танқислигининг кўриниши эди. Бу ҳолат, айниқса, кўпроқ куч тизимларига тааллуқли эди. Шавкат Мирзиёев уларнинг хулқи ҳақида гапирганда, «Прокурорлар — энг асосий ўғрилардир!» деб тортинмай айтади. Кези келганда, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг иккита бош прокурори қамоқда эканлигини айтиш жоиз. Рашид Қодировга коррупция ва хизмат бурчини суиистеъмол қилганлик учун ўн йил, Ихтиёр Абдуллаевга — жиноий тўдани ташкиллаштиргани учун ўн саккиз йил қамоқ жазоси белгиланди. Шуниси қизиқки, 2018 йилда прокуратурадан кетиб ҳибсга олингунга қадар Абдуллаев бир йилдан ортиқ вақт давомида Ўзбекистоннинг асосий махсус хизмати — Давлат хавфсизлик хизмати раҳбари лавозимида фаолият юритган.

Шу йилнинг кузида Ўзбекистонга уюштирган биринчи ташрифимдан кўзланган мақсад — мамлакатнинг маданий ва тарихий диққатга сазовор жойларини кўриш эди. Уларни таърифлашга тил ожиз. Ўрта аср шаҳри бўлмиш Хива ва унинг миноралари, кошона ва карвонсаройлари ажойиб тарзда сақланган. Уни «Минг бир кеча» эртагига қиёслаш мумкин. Қорақалпоғистоннинг қадимий қалъалари кишини йўқолиб бораётган цивилизациялар ҳақида фикр юритишга ундайди: ушбу азим иншоотлардан айримларининг ёши икки ярим минг йилдан ошади. Самарқанднинг Ислом Каримов номидаги марказий проспектидан бурилиб, шаҳарнинг тор кўчаларига кириш мумкин. Тарихий Бухоронинг бетакрор муҳитини, бу гўзал масканни тарк этиш нечоғли оғир бўлганини ифодалаш мушкул. Буларнинг бари ташриф чоғида қалбимда хуш кайфият уйғотди.

Шу билан бирга, мен Ўзбекистонда жадал суръатлар билан модернизация жараёни кетаётганининг ҳам гувоҳи бўлдим. Бир томондан, Шавкат Мирзиёев уч йиллик раҳбарлиги давомида анча кўп ишлар амалга оширилган. Кўплаб кераксиз тўсиқларнинг бекор қилиниши туфайли республикада мутлақо бошқача муҳит шаклланмоқда. Мамлакат пойтахти Тошкент улкан қурилиш майдонини эслатади. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари хорижий сайёҳлар билан гавжум. Бошқа томондан эса, Ўзбекистон олдида ҳали амалга оширилиши керак бўлган кўп ишлар тургани кўриниб турибди.

Президент Мирзиёев тез орада Ўзбекистон пахта йиғими механизациялашга ўтишини ваъда қилди. Бироқ бизнинг ташрифимиз пайтида далалар пахтани эскича усулда — қўлда тераётган хотин-қизлар билан тўла эди. Урганчдан Бухорогача автомобилда 420 километрлик саёҳатимиз давомида йўлнинг айрим қисмлари дунёнинг энг обод шосселарига ўхшар, баъзи қисмлари эса ўнқир-чўнқирлар билан тўла эди.

Шавкат Мирзиёев олдида турган вазифанинг қанчалик мураккаблигини ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган «Валдай» халқаро мунозара клубининг Осиё конференциясида англадим. Клуб қоидаларига кўра, ким нима деганини сўзма-сўз айтиб беришга ҳаққим йўқ. Шунинг учун сизларга фақатгина менда чуқур таассурот қолдирган россиялик эксперт нутқининг мазмунини етказаман. Иқтисодий модернизациянинг якуний мақсади нимадан иборат? Тўппа-тўғри, иқтисодиёт юксалишининг энг юқори суръатларини имкон қадар генерация қилишдан. Бироқ Шарқнинг баъзи давлатларидаги ислоҳотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши доим ҳам мамлакатдаги умумий ҳолатни яхшилашнинг калити бўла олмайди. Меҳнат унумдорлигининг ошиши иш ўринларининг бўшашига олиб келади. Ишсизлар эса экстремистик кайфиятнинг кучайиши учун идеал муҳитни шакллантиради. Шу сабабли нафақат иқтисодиётнинг юксалишини кўзлаш, балки иқтисодий юксалишни ижтимоий барқарорликни сақлаш билан уйғунлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон учун бундай эҳтиёткор ва пухта ўйланган ёндашув мутлақо зарур ҳисобланади. Республика аҳолиси сонининг ўсиши борасидаги статистикага назар ташласак: 1950 йил — 6,3 миллион; 1991 йил — 20,7 миллион, 2019 йил — 33,5 миллион. Таъкидлаш жоиз, улардан икки миллионга яқини Россияда яшаб, меҳнат қилади. Ислом Каримов уларга нисбатан салбий муносабатда эди. Шавкат Мирзиёев эса бу масалага прагматик ёндашади. Россиялик хабардор мансабдор шахсларнинг сўзларига кўра, Шавкат Мирзиёев бу масаланинг ҳозирги ҳолати Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлаш учун катта мадад эканини яхши тушунади. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти бўлгач, расмий Тошкентнинг Москвага нисбатан муносабати мутлақо ўзгарди. Ислом Каримов даврига хос эҳтиёткорлик ва ўзини йироқроқ тутишга ҳаракат қилишдан воз кечиб, яқин алоқаларни тиклаш вақти келди.

Тўғрисини айтганда, «тиклаш» сўзи бу ерда ноўрин бўлса керак. Аслида тиклайдиган ҳеч нарса йўқ. Ахир Совет Иттифоқи пайтида содир бўлган воқеалар СССРда қолди. Шунинг учун Россия — Ўзбекистон ҳамкорлигининг мутлақо янги асоси пайдо бўлди, десак, тўғрироқ бўлади. Лекин очиғи, «янги асос» қандай бўлиши ҳали номаълум. Ҳозирга пайтда Москва — Тошкент муносабатларида барчани энг кўп қизиқтирадиган савол — Ўзбекистон ОДКБ, яъни Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти мудофаа блокига ва Евроосиё иқтисодий кенгашига аъзо бўладими ё йўқми? Москва воқеаларнинг бундай ривожидан манфаатдорлигини яширмайди. Мен буни тушунаман, ҳатто қўллаб-қувватлайман, бироқ бир шарт билан. Каримов даврида Ўзбекистон икки маротаба КХШТга аъзо бўлган ва аъзоликдан чиққан. Бу борада Евроосиё иқтисодий кенгаши ўтмишдошининг кўпроқ омади келди: унга нисбатан «кириш-чиқиш» операцияси бир маротаба амалга оширилган. Буларнинг барчаси салбий бир воқеликни акс эттиради, унинг қайтарилишига эса ҳеч ҳам йўл қўйиш керак эмас.

Агар Марказий Осиёдаги энг кучли давлат — Ўзбекистон Россия шафелигидаги интеграцион тузилмаларга қайтса ҳам, бунинг сабаби Тошкентнинг Москванинг «кўнглини кўтариш» истаги эмас, балки бундай қадам мамлакат манфаатларига тўлиқ мос келишини англаши бўлади. Воқеаларнинг бундай ривожи муқаррар эмас, аммо юз бериши мумкин. Албатта, кўплаб масалаларни, айниқса, хавфсизлик соҳасидаги масалаларни Москва ва Тошкент икки томонлама муносабатлар доирасида ҳам ҳал этиши мумкин. Бироқ иқтисодиёт ҳақида сўз борганида, муносабатлар доираси жуда тор ва кичик бўлиб қоладигандек туюлади... Мисол учун, Ўзбекистон ўзи учун йирик Россия бозорини очиш тарафдори. Аммо Россия Евроосиё иқтисодий кенгаши аъзосидир. Шу сабабли у баъзи масалаларни иқтисодий кенгашнинг бошқа аъзолари билан маслаҳатлашмасдан ўзи ҳал қила олмайди. Келинг, подадан олдин чанг чиқармайлик. Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёев тез-тез ва яқин мулоқот қилиб туради. Ишонаманки, улар ўзаро манфаатли бир қарорга кела олади.

Самарқанддан Тошкентга тезюрар поезд деярли жўнаб кетишидан аввал, мен Ислом Каримовнинг иш кабинетига кира олиш имкони борлигини билиб қолдим. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан сўнг, Ўзбекистон Биринчи Президентининг ишчи қароргоҳини музейга айлантириш ҳақида қарор чиқарди, ўзи эса вақтинчалик Сенат биносида жойлашди. Кеч тушаётганига қарамасдан, қароргоҳни кўришга бўлган иштиёқимни сезиб, қабул қилувчи томон менга Ислом Каримовнинг иш кабинетини кўрсатишга ҳаракат қилди. Ниҳоят, менинг олдимда Тошкент марказидаги Оқсарой қароргоҳи дарвозалари очилди. Тўғри, саройни тўла кўздан кечиришга муваффақ бўлолмадим: Ўзбекистон Биринчи Президентининг ортиқча ҳашамлардан холи иш кабинетида ҳам, унинг ўзбек тилида бемалол гаплаша оладиган ёрдамчиси Георгий Крайнов кўп йиллар давомида ишлаган қабулхонада ҳам экспозицияни монтаж қилиш ишлари олиб борилаётган экан.

Эртасига худди шундай воқеа Ўзбекистон давлат санъат музейида содир бўлди. Музей биносига гўзаллик ва нафосатга ошно бўлиш ниятида яқинлашганимда, эшикдаги «қайта таъмирлаш учун ёпилган» деган ёзувга дуч келдим. Аввалига бир оз ранжидим, аммо кейин аслида омадим келганини тушундим. Энди менинг Тошкентга яна сафар қилишимга сабаб бор — келиб Ислом Каримов мемориал мажмуасини, санъат музейини ҳамда айни вақтда Алишер Усмонов томонидан қурилаётган муҳташам Ислом цивилизацияси марказининг муҳташам қиёфасини кўришим мумкин.

СССР парчаланганидан кейин ўтган чорак аср давомида россияликлар Тошкент нон шаҳри эканлигини унутгани йўқ, бироқ бу «нон шаҳри» улар учун кўп жиҳатдан ёпиқ эди. Энди эса Тошкент яна барчага ўз эшикларини очмоқда.

**Михаил РОСТОВСКИЙ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУТЛАҚО ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг қуйидагиларни **Ўзбекистон Республикасида профессионал футболни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

болалар ва ўсмирларнинг футбол билан шуғулланишга қизиқишини ошириш, ҳаваскор футболни оммавийлаштириш, бу борада умумтаълим мактаблари, бошқа таълим муассасалари, маҳалла ва ташкилотларда футбол бўйича мусобақаларни мунтазам равишда ташкил этиш;

юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция) тизимини тубдан такомиллаштириш, уларни босқичма-босқич профессионал тайёргарликдан ўтказиб бориш орқали футболи ривожланаётган давлатларнинг етакчи клубларига "футболчилар экспорти"ни амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш;

футбол соҳасига хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш ва уларни рағбатлантириш, футбол соҳасини бозор механизмлари асосида бошқариш, футбол клубларини хусусий секторга ўтказиш ҳамда улар орасида соғлом спорт рақобати муҳитини яратиш;

футбол мусобақалари томошабоплигини ошириш ҳамда футболни ривожлантиришнинг янги тизимини самарали йўлга қўйиш орқали "ўзбек футболи" мактабини яратиш;

футбол соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга илғор илмий-методик ва инновацион технологияларни жорий этиш;

футбол соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, футбол инфратузилмасини моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш.

2. Қуйидагилар:

**Ўзбекистонда профессионал футболни ривожлантириш схемаси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш концепцияси** 2-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш концепциясини 2019-2020 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харита"** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг "Йўл харита"да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. **Ўзбекистонда футболни 2030 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** 4-иловага мувофиқ (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) тасдиқлансин ва унда шу жумладан қуйидагилар назарда тутилсин:

умумий аҳолига нисбатан футбол билан мунтазам шуғулланувчилар сонини камида **5 фоизгача** етказиш орқали республикада футболнинг оммавийлигини таъминлаш;

Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерациясининг миллий терма жамоалар рейтингида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг кучли **50 таликка** киришига эришиш;

хусусий футбол мактаблари ва хусусий профессионал футбол мактаблари **сонини босқичма-босқич ошириш**;

Ўзбекистон Республикасида Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси ва Осиё Футбол Конфедерацияси таснифига кирувчи **чемпионатлар ва расмий халқаро турнирларни ташкил қилиш ва ўтказиш**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мақсадли кўрсаткичларга эришиш, белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали бажариш учун масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг:

профессионал футбол клублари қошидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар-ўсмирлар футбол мактаблари негизида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги **футбол маҳорат мактаблари** (кейинги ўринларда — футбол маҳорат мактаблари) ҳамда **болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этиш**;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда **аҳоли сонидан келиб чиқиб,** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган **қўшимча футбол маҳорат мактабларини** ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги болалар ва ўсмирлар футбол академияларини **футбол маҳорат мактаблари этиб қайта ташкил этиш** ва уларни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасарруфига ўтказиш;

ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари негизида **олимпия захиралари коллежларини** ҳамда уларга ажратилган қабул квотаси доирасида **футбол бўлимларини ташкил этиш ва уларда футбол бўйича мутахассисларни (спортчилардан ташқари) тайёрлаш**;

футбол маҳорат мактабларининг раҳбарлари, тренерлари ва бошқа ходимларига олимпия захиралари коллежлари учун белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини қўллаш**;

футбол маҳорат мактабларини тегишлича **ҳудудий профессионал футбол клубларига бириктириш**;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тегишли таълим муассасаларида футбол клублари, спорт таълим муассасалари учун **спорт шифокори, спорт психологи, спорт фармакологи, спорт ҳуқуқшуноси ва спорт диетологи** йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилиш;

замонавий илмий ютуқлар ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тренер, селекционер (скаут), таҳлилчи, ҳакам, маркетолог ва футбол менежери йўналишлари бўйича юқори малакали футбол мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида маҳаллий ҳамда хорижий мутахассисларни кенг жалб қилиш орқали **Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида Футбол мутахассисларини тайёрлаш марказини ташкил этиш**;

халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси, Осиё Футбол Конфедерацияси талабларига мувофиқ, **2021 йилги футбол мавсумидан бошлаб Суперлига жамоалари ўртасидаги учрашувларда адолат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида VAR** (Video Assistant Referee, видео ёрдамчи ҳакам) тизимини жорий этиш;

халқаро талаблардан келиб чиқиб, салоҳияти юқори футболчиларни профессионал даражада тайёрлаш, улар хорижий давлатларнинг нуфузли футбол клубларида профессионал фаолият олиб боришини таъминлаш, шунингдек, футболчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **футбол бўйича агентлар (воситачилар)нинг** фаолиятини тартибга солиш ва уларни аккредитациядан ўтказиш ваколатини Ўзбекистон футбол ассоциациясига юклаш;

2021 йил 1 январдан бошлаб халқаро тажрибадан келиб чиқиб, спорт соҳасини, айниқса, футболни янада ривожлантириш, унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида **Ўзбекистон Республикасида букмекерлик фаолиятини** амалга оширишга рухсат бериш;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясининг тузилмасига қўшимча иккита **селекционер штат бирлигини киритиш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар шахслар томонидан букмекерлик фаолиятини амалга оширишни бузиш, шунингдек, тотализатор ўйнаш, ўйинга ёки унинг натижасига таъсир ўтказиш мақсадида келишилган ўйинлар ўтказиш, уларда иштирок этиш юзасидан жавобгарликни белгилаш бўйича Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва спорт таълим муассасаларида футбол бўйича ўқув, ўқув-машқ, тарбияланувчи ва ўқувчиларни саралаб олиш (селекция) ҳамда уларда мусобақаларни ўтказиш тартиби **Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан белгиланади ва мувофиқлаштириб борилади**;

футбол маҳорат мактаблари директорлари ва спорт бўйича директор ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш **Ўзбекистон футбол ассоциациясининг тақдимномасига асосан** Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан амалга оширилади.

6. **2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги футбол маҳорат мактабларини ташкил этиш, уларда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш жадвали** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2020 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан футбол маҳорат мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун марказлашган капитал қуйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги футбол маҳорат мактабларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) **умумтаълим мактаблари ўртасида**:

ҳар бир туман (шаҳар)да доимий равишда йилига **камида икки маротаба "Мактаблар футбол лигаси"** мусобақалари ўтказиб борилади;

"Мактаблар футбол лигаси" мусобақалари туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ҳамда Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамиятига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

Бунда "Мактаблар футбол лигаси" мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича иқтидорли ўқувчилар туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг футбол бўлинмалари ҳамда хусусий футбол мактабларига **саралаб олинади (селекция)**;

б) **туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактаблари футбол бўлинмалари ва хусусий футбол мактаблари ўртасида**:

ёш тоифасидан келиб чиқиб белгиланган меъёрлар асосида туман (шаҳар), **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда республика миқёсида "Спорт мактаблари футбол лигаси"** мусобақалари ўтказиб борилади;

"Спорт мактаблари футбол лигаси" мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

Бунда "Спорт мактаблари футбол лигаси" мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича **футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академияларига** футболчилар саралаб олинади (селекция);

в) **футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари ўртасида**:

ёш тоифасидан келиб чиқиб белгиланган меъёрлар асосида **"Профессионал футбол мактаблари лигаси"** мусобақалари ўтказиб борилади;

"Профессионал футбол мактаблари лигаси" мусобақаларини ўтказиш натижалари бўйича **ҳудудий профессионал футбол клубларига** футболчилар саралаб олинади (селекция);

"Профессионал футбол мактаблари лигаси" мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

Бунда футбол маҳорат мактаблари, хусусий профессионал футбол мактаблари ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол академиялари **футболчилари республика ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этади**;

г) Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясида **футбол бўйича турли ёш тоифасидаги терма жамоалар тайёргарлик кўрадилар**.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан молиялаштириладиган профессионал футбол клублари устав фондларидаги давлат ва давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари улушларини **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш орқали хусусий инвесторларга** сотиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиладиган профессионал футбол клублари устав фондидаги давлат ва давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг улушлари рўйхати** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қайд этилсинки:

профессионал футбол клублари устав фондидаги давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари улушлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат улуши ва хўжалик жамиятларининг улушларини баланс қийматида камайтириш ҳисобига берилади;

мазкур Фармоннинг 6-иловасида кўзда тутилган профессионал футбол клубларининг устав фондидаги давлат улушлари Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарорига асосан белгиланган тартибда сотилади.

10. **Профессионал футбол клубларига давлат корхоналари ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар томонидан ажратилаётган молиявий маблағларнинг самарали фойдаланилиши устидан Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан мониторинг ўтказиш** амалиёти жорий қилинсин.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси:

мониторинг натижалари юзасидан давлат корхоналари ва ташкилотларига, шунингдек, юқори турувчи органларга таклиф ва тавсиялар киритиб борсин;

профессионал футбол клубларидаги спортчи ва бошқа мутахассисларни рағбатлантириш тизими шаффофлигини таъминлаш мақсадида икки ой муддатда ягона тартибни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий футбол ассоциациялари фаолияти тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг 2020-2021 йилларда:

**Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони ҳудудида футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот марказини** ташкил этиш;

**Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида функционал диагностика, спортчиларни соғломлаштириш ва реабилитацияси учун замонавий спорт тиббий марказини ташкил қилиш ва зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йилги Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг марказлашган капитал қуйилмалар лимитлари доирасида футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот марказини қуриш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Молия вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар букмекерлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва уларда шу жумладан қуйидагиларни:

букмекерлик фаолиятини лицензиялаш **Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан** амалга оширилишини;

букмекерлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан **телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан, интернет тармоғи провайдерларида хизматлар кўрсатилишини тартибга солишни**;

букмекерлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари даромадларининг бир қисмини **спорт турлари, шу жумладан, футболни ривожлантириш учун йўналтиришни**;

букмекерлик фаолиятини **давлат томонидан назорат қилиш механизмлари** жорий этилишини назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги футбол маҳорат мактаблари фаолияти билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, уларни футболи ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш харажатлари учун зарур маблағларни 2020 йилда Давлат бюджетининг "Маданият ва спорт" соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2020 йил 1 февралга қадар тегишли ҳудудларда **стадион ва футбол майдонларини хатловдан ўтказсин ва хатлов натижаси бўйича эгаси номаълум стадион ва футбол майдонлари қонунчиликда белгиланган тартибда жойлардаги** туман (шаҳар) болалар-ўсмирлар спорт мактабларига ўтказилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Адлия вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси А. А. Азизов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 4 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНИГА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

харид комиссиясининг энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича баёнини у расмийлаштирилган куни давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида **икки иш куни муддатга** жамоатчилик муҳокамасига жойлаштиради;

давлат харидлари доирасида тузилган шартномалар тўғрисида маълумотларни улар тузилган санадан бошлаб **уч иш кундан кечиктирмасдан** белгиланган тартибда давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестрига киритади;

харидларни **электрон дўкон** ва **бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион** орқали қонунда белгиланган мезонларга мувофиқ амалга оширишга ҳақли.

2. Танлов ва тендер савдолари орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклга ўтказиш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат буюртмачиларига электрон дўконнинг қўшимча саҳифасидан фойдаланган ҳолда, давлат харидларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) кесимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириш ҳуқуқи берилади. Бунда, электрон дўконнинг қўшимча саҳифасида харид қилиш тартиб-таомили якунига кўра товар (иш, хизмат) мавжуд эмаслиги сабабли шартнома тузилмаган бўлса, давлат буюртмачиси электрон дўконнинг асосий саҳифасидан фойдаланмасдан мустақил равишда танланган етказиб берувчи билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга ҳақли эмас.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси" акциядорлик жамияти билан биргаликда бир ой муддатда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидаги электрон дўкон савдо майдончасида давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) кесимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириш имкониятини берувчи қўшимча саҳифа яратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **2020 йил 1 январдан** бошлаб Молия органлари ва бюджет ташкилотлари молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази базасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари учун ўқув жараёнига соҳадаги етакчи мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда **давлат харидлари бўйича махсус курслар** ташкил қилсин.

7. **2020 йил 1 апрелдан** бошлаб бюджет ташкилотларининг чет эл валютасидаги маблағларига нисбатан Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақлари очиш орқали ғазна ижроси механизми жорий этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 5 декабрь

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ УМУММИНТАҚАВИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАМКОРЛИКДА ҲАЛ ЭТИШГА ИНТИЛМОҚДА

←1

Муаллиф, аввалги тажрибадан келиб чиқиб "Нима учун минтақадаги собиқ иттифоқ давлатларини мувофиқлаштириш бўйича жорий интилишлар муваффақиятли кечади, дея умид қилиш керак?" деган саволни ўртага ташлайди.

Жавоб мақоланинг кейинги сатрларида баён қилинади. А. Дубновнинг таъкидлашича, Тошкент тутумига кўра, минтақада "тузилма эмас, мулоқот майдончаси" ташкил этилмоқда. Бу минтақа мамлакатлар учун сув-энергетика, хавфсизлик, ўзаро савдо ва гуманитар соҳалардаги муҳим масалаларни ишончли тарзда муҳокама қилиш имконини беради".

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев инсонларнинг эркин ҳаракатланиши ва юкларнинг бемалол ташилишида тўсиқ бўлаётган чегара тартибларини бекор қилиш, ўтказиш пунктларидаги расмийлаштириш жараёнларини соддалаштиришни назарда тутган ҳолда, "тўсиқсиз" Марказий Осиёни шакллантиришга бўлган интилишини маълум қилди.

Мақола муаллифининг фикрича, минтақани бирлаштириш бўйича аввалги саъй-ҳаракатлардан фарқли ўлароқ, бугунги кунда Марказий Осиёда бунинг учун қулай шароит яратилган.

А. Дубнов илгари "Ҳар бир давлат ўзича яшар эди. Улар ўзи учун хорижий андозаларни яратиб олган ва шулар орқали фаровонликка эришишга умид қиларди", "Иттифоқдан мерос бўлиб қолган делимитация қилинмаган чегаралар маданий муносабатларни ўрнатиш йўлидаги асосий тўсиқ бўлди". Минтақа мамлакатлари ўртасида бошқа тортишув ва зиддиятлар ҳам юзага келди, деган қарашларини билдиради.

"Шундай бўлса-да, Марказий Осиё ҳамкорлигининг бош асосчиси ҳисобланган Ўзбекистон умидсизликка тушмади. Минтақавий ҳамкорлик масаласи мамлакатнинг амалдаги Президенти Шавкат Мирзиёевнинг устувор мақсадларидан бирига айланди".

Эксперт "Шавкат Мирзиёев минтақада Ўзбекистон сиёсатини кескин ўзгартирди ва бунинг учун ноодатий ёндашувларга ҳам тайёр эди", деб қайд этади.

Сиёсатчининг фикрича, барча саъй-ҳаракатлар туфайли Тошкент саммити қарама-қарши ва бегоналашиш кайфиятидан мутлақо озод бўлиш имконини берди. Давлатлар раҳбарлари ўз муаммолари бўйича тушунтириш беришга тайёр эканини кўрсатдилар. Бу, аввало, минтақа мамлакатлари хавотирига сабаб бўлаётган Марказий Осиё сув-энергетика ресурслари масалаларига тааллуқли.

"Бошқа масалалар ҳам тинч йўл билан ва конструктив тарзда муҳокама қилинди. Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш Марказий Осиё мамлакатлари учун муҳим муаммо сифатида қайд этилди. 2025 йилга келиб минтақа аҳолисининг 78 миллионга етишини инобатга олган ҳолда иш ўринлари яратиш ишларини жадал тусда олиб бориш зарурлиги таъкидланди. Хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик, иқтисодиётда "қўшимча қиймат занжирини шакллантириш"га қаратилган кооперация лойиҳалари ҳақида сўз борди".

Шавкат Мирзиёев Тошкентда минтақа мамлакатлари учун инвестициявий форум ташкил этиш таклифини илгари сурди. Ҳатто Марказий Осиёнинг ягона туристик брендини яратиш зарурлиги таъкидланди. Қисқача айтганда, буларнинг барчасини олдинги йиллардаги муваффақиятсиз уринишлардан сўнг янгиланиб бораётган Марказий Осиёнинг ўзига хослигини топиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар деб аташ мумкин.

А. Дубновнинг фикрича, ушбу вазиятда муваффақиятлар гарови масаласига ойдинлик киритиш долзарблигича қолмоқда.

У "Саммит конструктив руҳда ўтгани қайд этилмоқда, уни ҳақиқатдан ҳам муваффақиятли деб атаса бўлади. СССР парчалангач, минтақада бу каби ҳодиса ҳали рўй бермаган эди", деб қайд этади. Шунингдек, минтақа давлатларининг самарали ҳамкорлигига умид билан қарайди.

Сиёсатчи Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви формати қандайдир янги минтақавий ташкилот тузиш ҳақида гапиришга асос бўла олмайди", деган гапларидан иқтибос келтиради. Шунингдек, ушбу форматдаги мулоқот кимнингдир манфаатларига қарши қаратилмаганини айтади. Марказий Осиё умумминтақавий масалаларни биргаликда ҳал қилишга интилаётганини билдиради. Минтақанинг бугуни ва эртанги куни, барқарорлиги ҳам шунга боғлиқ эканини алоҳида қайд этади.

**ЎзА.**



# ХОРАЗМДА ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ОЧИЛДИ





Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

←1

Жорий йилда мазкур мактабнинг 5 — 10 синфларига ҳужжат топширган 6 400 нафардан зиёд ўқувчилардан 144 нафари қабул қилинди. Келаси ўқув йилидан бошлаб, ҳар йили 5-синфга 24 нафар ўқувчи қабул қилинади. Таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади.

— Неварам Хайрулла икки босқичда ўтказилган имтиҳонларда муваффақиятли қатнашиб, Президент мактабига қабул қилинди, — дейди боғотлик меҳнат фахрийси Ойпора Қурбонбоева. — Ўзим 35 йил ўқитувчилик қилиб ёшларга таълим-тарбия бердим. Бугун бу ерда яратилган шароитларни кўриб ҳайратда қолдим. Юртбошимизнинг иқтидорли ўқувчиларнинг энг замонавий шароитларда билим олиши, мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган етук кадрлар бўлиб улғайиши учун кўрсатаётган чексиз эътибори ва ғамхўрлигидан жуда миннатдормиз.

**Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).**

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

←1

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий норманинг амалда ижросини таъминлаш мақсадида маъмурий судлар ташкил этилди. Эндиликда фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Бир жиҳатга эътибор қаратсак, судларда жиноят ишлари бўйича очиқ муҳокама принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланиб, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Ушланган шахсларнинг қамоққа олиш тарзидаги сиртдан қабул қилинган эҳтиёт чораси устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқлари, шунингдек, ҳимоячиларнинг далилларни тўплаш ва тақдим этишга бўлган ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Бу каби ислоҳотлар натижасида 2018 ҳамда 2019 йилнинг ўтган ўн ойида судлар томонидан бир ярим мингдан ортиқ шахсларга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Ушбу кўрсаткичнинг ўзиёқ суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир.

Қисқаси, Конституциямиз юртимизда барча соҳада, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси вазифасини ўтамоқда.

**Холиджон КОМИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



# ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАСИ НЕГА ҲАР ХИЛ?

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги таҳрирдаги "Давлат божи тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ҳамда қуйи палатанинг Давлат бюджети бошқармаси ходимлари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, янада такомиллаштирилмоқда.*

Яқинда парламент қуйи палатаси мажлисида депутатлар мазкур қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда маъқуллаган, барча сиёсий партияларнинг фракциялари лойиҳа юзасидан ўз позициясини билдирган ҳамда кўплаб савол ва аниқ таклифлар берилган эди.

Шунингдек, депутатлар қонун лойиҳасидаги мулкий низоларни ҳал қилишда жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари судга мурожаат килганда тўланиши лозим бўлган давлат божлари ставкалари бўйича баҳс-мунозараларга киришдилар. Яъни ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари учун давлат божи ставкаси даъво миқдорининг 2 фоизи бўлса, жисмоний шахслар учун эса 4 фоизи этиб белгиланган.

Шу сабабли депутатлар мазкур ҳужжатни қайта кўриб чиқиш ҳамда уни бирхиллаштириш лозим, деган таклифни илгари сурмоқдалар.

# МУҲОКАМАЛАР ҲУДУДЛАРДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан муҳокамалар парламентдан ҳудудларга ҳам кўчди.*

*Ана шундай тадбирларнинг бири Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигида бўлиб ўтди.*

— Лойиҳада Солиқ кодексининг амалдаги тузилмаси сақланиб қолган бўлиб, уни умумий ва махсус қисмларга ажратиш кўзда тутилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зумрад Бекатова. — Уларда солиқ маъмуриятчилиги ҳамда солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг асосий қоидалари каби масалалар ўрин олган. Нафақат солиқ тўловчилар, балки солиқ органлари жавобгарлигини оширган ҳолда, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам аниқ шакллантирилган.

Шунингдек, лойиҳада солиқ органларининг қонунга хилоф равишда қўшимча солиқлар ҳисоблагани ёки молиявий санкциялар қўллагани ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан ортиқча тўланган солиқ суммалари ўз вақтида қайтарилмагани учун жавобгарлик оширилмоқда.

Муҳокамада қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан бир қатор фикр ва таклифлар билдирилди.

Бундай тадбирлар Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

# ЯНГИ НОРМАЛАР ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ТАҲЛИЛ ҚИЛИНЯПТИ

*Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамаси Савдо-саноат палатасида ҳам ўтказилди.*

*Қайд этилганидек, солиқ тўловчилар ўртасида ушбу лойиҳа бўйича ўтказилаётган муҳокамалар асносида ҳужжатни янада такомиллаштириш ва маромига етказиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.*

Таклиф этилаётган янги таҳрирдаги Солиқ кодексида назорат тартиб-таомиллари соддалаштирилган ҳамда солиқ текширувларининг турлари 13 тадан 3 тага қисқартирилган. Солиқ органларига "Таҳлика-таҳлил" асосида (инспекторнинг аралашувисиз) камерал назорат, жойига чиққан ҳолда текшириш ва ваколатли органнинг розилигисиз солиқ аудитини тайинлаш ҳуқуқини берувчи солиқ назоратини ўтказишнинг янги тартиби назарда тутилмоқда.

Лойиҳада солиқ тўловларини таъминлашнинг янги дастакларини татбиқ қилиш, коллегиал органларнинг (комиссияларнинг) иштирокисиз пулли асосда солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этиш, солиқ имтиёзларини Президент томонидан белгиланган ставкани кўпи билан 50 фоизга ва кўпи билан уч йил муддатга пасайтириш кўринишида бериш тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, солиқ солишдан бўйин товлашга қарши нормаларни, шу жумладан, "битимларни қайта квалификациялаш", "сохта битимларни" бекор қилиш, фирибгарлик битимлари бўйича чегирмаларни тақдим этмасликни белгилаш таклиф қилиняпти.

Умуман, лойиҳада кўплаб янги нормалар таклиф қилинмоқдаки, булар тадбиркорлар томонидан қизиқиш билан таҳлил қилиниб, қатор таклифлар билдирилмоқда.

Тадбирда ушбу таклифлар асосида лойиҳани янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

---

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси Рашид Ҳусанович Пирматовга онаси

**СОФИЯ онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

---

Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази жамоаси марказ директори, профессор

**Мирҳаким АЗИЗОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

---

# Жанубий Корея Ўзбекистоннинг ЖСТга кириш йўлидаги интилишларини тўлиқ қўллаб-қувватламоқда

*Маълумки, Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига кириш йўлида муайян саъй-ҳаракатларни олиб боряпти. Бу борада тегишли ишчи ва ихтисослаштирилган кичик гуруҳлар ташкил этилиб, "Йўл харитаси"ни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Шу ўринда савол туғилади: Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши, мазкур йўналишда катта тажрибага эга давлатлар билан фикр алмашиши, ҳамкорлик қилиши мамлакат ва халқимиз учун қанчалик фойдали ҳамда бу келажакда қандай имкониятлар эшигини очиб беради?*



## Анжуман

Семинар тўртта шуъба йиғилишида ўз ишини давом эттирди. Уларда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш йўлидаги асосий муаммолар, бунинг қишлоқ хўжалигига таъсирини баҳолаш, миллий институционал салоҳият ва экспертиза тизимини яратишда Ўзбекистон ҳукуматига кўмак бериш масалалари муҳокама қилинди. Жанубий кореялик ва ўзбекистонлик экспертларнинг мавзулар юзасидан маърузалари тингланди, тақдимотлари билан яқиндан танишилди.

Якунда Ўзбекистон вазирликлари ва идораларига тақдим этиш учун тавсияларни ўз ичига олган қўшма маъруза тайёрлашга келишиб олинди.

Кеча Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишини иқтисодий баҳолаш" мавзуидаги илмий-амалий семинарда айнан ушбу масалаларга эътибор қаратилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти (КХИСИ) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинар давомида КХИСИ мутахассисларининг Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши қишлоқ хўжалигига қандай таъсир кўрсатиши бўйича ўтказган тадқиқотлари натижалари кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ЖСТ дунёдаги маҳсулотлар жами оқимининг 94 фоиздан зиёдини ўзида қамраб олган. Бинобарин, мамлакатимизнинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши ташқи иқтисодий сиёсатимиздаги устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Хўш, ЖСТга киришда иқтисодиёт учун салбий оқибатлардан қандай қилиб халос бўлиш мумкин? Экспертларнинг айтишича, бунинг учун, аввало, иқтисодиёт секторлари, товар ишлаб чиқарувчилар шу бўйича талабларга тайёр бўлиши керак. Унинг давлат томонидан назорат қилишда фойдаланилаётган механизмларга мувофиқлиги ҳам ҳар томонлама баҳоланиши зарур. Ўзбекистонда айнан мана шундай мезонлар асосида Жаҳон савдо ташкилоти оиласи таркибидан жой олиш жараёнини амалга ошириш режалаштириляпти.

## Сўз — тадбир иштирокчиларига



**Хонгюл ХАН, Корея Республикасининг Ханянг университети профессори:**

— Жанубий Корея Ўзбекистон томонидан ЖСТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси мақомини олишга тайёргарлик кўриш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ижобий баҳолайди. Хусусан, хориж инвестицияларини ҳимоя қилиш учун Халқаро арбитраж маркази фаолияти йўлга қўйилди. Бу чет эл сармояларини муҳофаза қилишнинг самарали воситасидир. Кўплаб компаниялар ташқи савдо баҳслари маҳаллий судлардаги одатий тортишувлардан кўра, Халқаро тижорат арбитражида ҳал этилишини афзал деб билади.

Ўзбекистон ЖСТга кириш орқали жаҳон иқтисодий муносабатлари молиявий, инвестициявий ягона тизимининг бир қисмига айланади. Ушбу ташкилотга аъзолик республикани ҳамкорликка очиқлиги ва хориж сармоядорларини жалб этишга тайёрлигини кенг намоён этади.

**Баҳромжон СОТИБОЛДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи:**

— Бугунги кунда мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиш йўлидаги ҳаракатлари фаоллаштирилди. Бу борада хориж, жумладан, Корея Республикаси тажрибаси биз учун қизиқ ва муҳим. Мазкур тадбир ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди.

Айтиш жоизки, Жанубий Корея иқтисодиётида ҳам тараққиёт йўли бошида аграр соҳа устуворлик қилган. ЖСТга аъзо бўлиш арафасида мазкур мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоқларида жуда катта ва чуқур ислоҳотларни амалга оширган. Бугунги кунга келиб Корея Республикаси иқтисодиёти 1 трлн. доллардан зиёдга етишида айнан аграр соҳа тизими тубдан ўзгартирилгани ҳам катта роль ўйнаган.



Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалиги катта салоҳиятга эга. Шундай экан, юртимизда ЖСТга кириш йўлида турли тармоқлар, хусусан, аграр соҳада ҳам катта ўзгаришлар қилиняпти. Қишлоқ хўжалигидаги янгиланишлар бир вақтнинг ўзида қатор йўналишларда олиб борилмоқда. Бунда, айниқса, кластер тизимига ўтилаётганининг аҳамияти катта. Натижада ЖСТ доирасидаги давлатлар билан савдо ижобий томонга ўзгаради. Айтиб ўтганимдек, бунда Жанубий Корея тажрибаси айни муддао. Ушбу мамлакат ЖСТга киргандан кейинги ривожланиш босқичлари, тўплаган тажрибалари бўйича маълумотларни бизга беғараз таклиф этаётганидан хурсандмиз.

**Саиджон МАХСУМОВ («Халқ сўзи»).**

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

*“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки мамлакатимизда яратилган қулай макроиқтисодий муҳит, молия-банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этаётган молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, бугун банк мижозлари орасида фермер хўжаликларидан тортиб, йирик саноат корхоналарию кичик тадбиркорлик субъектларигача бор. Улар банкнинг молиявий кўмаги туфайли иқтисодиётнинг барча тармоғида самарали меҳнат қилмоқда. Хизмат ёки кредитдан унумли фойдаланаётган одамлар ҳам кам эмас.*



М. АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

# ҲАР БИР ТАРМОҚ РИВОЖИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Яқинда “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан республикамиз етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Бухоро вилоятига ташкил қилинган пресс-тур давомида бунга яна бир карра амин бўлдик.

Аввало, банкнинг Бухоро минтақавий филиали ҳақида икки оғиз сўз. Филиал вакиллари сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш сифати ва улар билан ҳамкорлик қилувчилар сафи тобора кенгайиб бораётганини таъкидлашди. Бунинг биринчи омили сифатида банк биноси замонавий ҳолатга келтирилиб, барча зарур жиҳозлар билан таъминланганини айтишди.

Дарҳақиқат, бугун банкнинг Бухоро минтақавий филиалида ҳамма шароит бор. Жисмоний ва юридик шахсларга алоҳида хоналарда хизмат кўрсатилади. Мабодо, кимдадир бирор савол пайдо бўлса, кираверишдаги “Reception” хизматидаги мутахассислар ҳамиша ёрдамга шай. Қисқаси, филиалга келган киши ҳеч қандай ноқулайлик сезмайди. Буларнинг барчаси сўнгги йилларда республикамизда банклар фаолиятини такомиллаштириш, уларни халққа янада яқинлаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, албатта.

Ҳозирги кунда “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг Бухородаги филиаллари томонидан жами 74 214 та мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Шундан 19 897 таси Бухоро минтақавий филиали, 41 340 таси Когон филиали ва 12 977 таси Галаосиё филиали ҳиссасига тўғри келади. Вилоятнинг Қоракўл, Жондор, Шофиркон, Ғиждувон ҳамда Когон минибанклари фаолият юритяпти.

Шунингдек, жойлардаги 4 та омонат кассаси, 4 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси, 16 та банкомати вилоят аҳли оғирини енгил, узоғини яқин қиляпти. Банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган мижозларга эса жами 65 514 та пластик карточка ҳамда 3 188 та тўлов терминали берилган.

## Қишда ёз манзараси

*Айтиб ўтганимиздек, банкнинг Бухоро минтақавий филиали мижозларини ҳар соҳадан топиш мумкин. Молия муассасаси билан ҳамкорлик қилиб, кимдир бизнес бошлаяпти, яна биров ишини ривожлантириб оляпти. Муҳими, бу орқали одамлар муқим даромад манбаига эга бўлиб, ҳаёт даражаси яхшиланмоқда. Шундай ишбилармонлик субъектларига мисол сифатида Қоровулбозор туманидаги “Қоровулбозор Нуробод” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини келтириш мумкин.*



— Тадбиркорлик мен учун янгилик эмас, — дейди мазкур жамият раҳбари Фаррух Бекмурзаев. — Бу ишни 2013 йилда сутни қайта ишлаш цехини ташкил этиш орқали бошлаганман. Кейин нон пишириш, томат, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари, ғишт заводи фаолиятини йўлга қўйдик. Айни пайтда эса 22 гектар ерда иссиқхона барпо этиб, 200 дан ортиқ кишиларни иш билан таъминладик. Уларнинг 100 дан зиёди хотин-қизлардир.

Насиб қилса, 2020 йилнинг февраль ойидан бошлаб иссиқхонамизда етилган помидорларни Россия Федерациясига экспорт қилмоқчимиз. Бунинг учун 3 миллион долларлик шартнома имзолаганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, иссиқхона фаолиятини йўлга қўйишимизда, хусусан, унинг 9 гектарини ташкил этишимизда “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан берилган 4 миллион долларлик кредит қўл келди.

Бу йўналишда деҳқончилик қилишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Ерни тайёрлашу кўчат танлаш, парваришлаш алоҳида масъулият талаб этадиган юмушлардир. Шу боис тадбиркор хориждан нафақат помидор кўчатларини харид қилди, балки мутахассис-агрономни ҳам ўша ердан ёллади.

Иссиқхонага киришингиз ҳамон ташқаридаги совуқни унутасиз. Кенг майдондаги яшиллик пишиқчилик даврини эслатади, гўё. Ҳосил чўғи ҳам чакки эмас. Тобора кўкка бўй чўзаётган кўчатларда гуллар қаторида 4-5 тадан помидорга кўзингиз тушади. Ишчилар ҳар бир кўчатга астойдил ишлов бермоқда. Бу эса тадбиркор ниятига етишидан, яъни маҳсулотини экспорт қилиб, туман ривожига муносиб улуш қўшишидан далолат беради.

Иссиқхонадан чиқар чоғимиз, ишбилармон келгусида кўчатни ҳам ўзи етиштиришни режалаштираётганини айтди. Бу ҳам амалга ошишига ишонишимиз мумкин. Чунки юртимизда шундай ташаббускор тадбиркорларга эътибор катта. Қолаверса, ҳар бир истиқболли лойиҳани молиялаштиришга тайёр “Қишлоқ қурилиш банк”дек ҳамкори ҳам бор.

## Ҳаракатга яраша даромад

Жорий йилнинг 1 ноябрига келиб, банкнинг даромад келтирувчи активлари салмоғи 86,6 фоизга, жами даромадлар таркибида мижозларга кредит ажратиш бўйича олинган даромад ҳиссаси 80,06 фоизга етди. Агар буни филиаллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Бухоро минтақавий филиалида 83,5, Когон филиалида 89,1 ҳамда Галаосиё филиалида 91,1 фоизга тўғри келмоқда.

2019 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, минтақавий филиалнинг жами кредит қўйилмаси 1 триллион 78 миллиард 327 миллион 641,4 минг сўмни ташкил этиб, унинг 25 миллиард 508 миллион 331,5 минг сўми қисқа, қолгани эса узоқ муддатли кредитлардир. Эътиборлиси, кредит портфелида муддати ўтган, узайтирилган ёки суд жараёнидаги кредитлар мавжуд эмас. Кредит портфели таркибида юридик шахсларга берилган кредитлар миқдори 489 триллион 156 миллион 982,2 минг сўмни ва жисмоний шахслар олган сармоялар ҳажми эса 589 триллион 170 миллион 688,9 минг сўмни ташкил этмоқда.

Жисмоний шахсларга тақдим қилинган кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси 8,57, юридик шахсларники эса 21,06 фоизга тўғри келмоқда. Кредитлар соҳалар бўйича таҳлил қилинса, унинг 44 080 885,9 минг сўми саноатга, 33 368 932,3 минг сўми қишлоқ хўжалигига, 31 230 086,0 минг сўми транспорт ва алоқага, 58 435 704,6 минг сўми қурилишга, 84 142 323,8 минг сўми савдо ва умумий овқатланишга, 3 058 796,2 минг сўми уй-жой коммунал хўжалигига, 100 000,0 миллиард сўми маиший хизмат кўрсатишга ажратилгани, қолган қисми бошқа соҳаларга йўналтирилгани аён бўлади.

## Мижозлар хизматдан мамнун

Бухорода “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ билан ҳамкорлик асосида тадбиркорлик қилаётган ва бу орқали одамларга нафи тегаётган ишбилармонлар кўп. Масалан, шу пайтгача Когон шаҳрида болажонлар дам олиб, ўйнайдиган майдон ёки боғ йўқ эди. “Когон меҳнат — роҳат” корхонаси раҳбари Равшан Эшмуродовнинг саъй-ҳаракати туфайли ушбу муаммога ечим топилди. Яъни жорий йилнинг май ойида тадбиркор шаҳар марказида замонавий истироҳат боғини ишга туширди. Уни барпо этиш учун банкнинг Когон филиали томонидан 2 миллиард сўм миқдорида сармоя ажратилди. 5 йилга тақдим этилган кредитнинг 2 йили имтиёзли давр ҳисобланади.

Жами икки гектар майдонни эгаллаган истироҳат боғи ёзги ва қишки бўлимларга бўлинган. Турли аттракционлар болажонлар билан гавжум. Тадбиркор яқин вақт ичида сув ҳавзаларини ҳам ташкил этиш ниятида. Демак, истироҳат боғи болажонларнинг севимли масканларидан бирига айланиб қолаверади.

Бухоро шаҳридаги “Shahina Style” оилавий корхонаси чеварлари томонидан тикилаётган кийим-кечаклар бухороликлар эътиборига аллақачон тушган. Сабаби улар сифатли, нархи арзон ва энг муҳими, замонавий. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 164 миллиард сўмни ташкил этса, шундан 40 минг доллари банк кредитидир. Ушбу сармоя эвазига хорижнинг замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган корхонада йилига 450 минг долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу ерда 35 киши меҳнат қилмоқда.

Банк мижози — Бухоро шаҳридаги “Бурда люкс текстиль” масъулияти чекланган жамиятида тикилаётган кийимлар ҳам сифат жиҳатидан асло қолишмайди. Корхона 2012 йилда бор-йўғи 8 киши билан иш бошлаган эди. Бугун эса ишчилар сони 100 нафардан ошди. Шулардан бири — Дилфуза Ғаффорованинг ишга қабул қилинганига эндигина бир ой бўлди.

— Ўз ишимдан мамнунман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Қолаверса, бу юмуш мен учун бегона эмас. Чунки тикувчиликни оилада ўрганганман. Тикув машиналари замонавий. Шу боис ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмаймиз.

Чиндан ҳам, корхонанинг жорий йилда “Қишлоқ қурилиш банк”дан 80 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит олиши Дилфуза сингари ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилишда айни муддао бўлди. Корхонада ўғил болалар кўйлаклари, спорт кийимлари ва бошқа либослар тикилади. Маҳсулотларга ички бозордан ташқари, Қозоғистон, Тожикистон каби қўшни давлатлардан ҳам қизиқиш билдиришмоқда.

Айтиб ўтганимиздек, бугунги кунда Бухоро вилоятида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг минтақавий филиали молиявий кўмаги билан ишини ривожлантириб бораётган тадбиркорлар талайгина. Юқорида уларнинг айримларига тўхталиб ўтдик холос. Пресс-тур давомида фаолияти билан танишган бошқа корхоналар ҳақида кейинги мақолаларда сўз юритамиз.

Сўзимиз якунида банк томонидан 2019 йилда “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури бўйича **1066** мижозга **25,5 миллиард сўмлик** имтиёзли кредит ажратилганини, шундан 3,4 миллиард сўми Бухоро минтақавий филиалига тегишли эканлигини маълумот сифатида келтириб ўтамиз.

**Д. МУРОДОВ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

# «ТУРОНБАНК» АТБ ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ ҚУРИЛИШИДА ФАОЛ ҚАТНАШМОҚДА

TURON BANK

*“Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир” деб бежиз айтилмаган. Негаки, киши болаликда чуқур илмни эгалласа, келажаги порлоқ ва фаровон бўлади. Элу юртга нафи тегиб, мамлакат обрўйини жаҳонга танитадиган инсон бўлиб етишади. Шу боис ҳам юртимизда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, ўғил-қизларимизнинг бугунги кун талаби асосида таълим-тарбия олишлари учун барча шароитларни яратиб беришга устувор мақсад сифатида қаралмоқда.*



Давлатимиз раҳбари жойларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш жараёнида ҳам ёш авлод камолотининг ажралмас қисми бўлган мактабгача таълим тизимини ривожлантириш барчанинг бурчи эканини такрор ва такрор таъкидлайди. Сабаби ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий-маънавий ҳаёт даражаси юксалиши бевосита мазкур бўғиннинг рақобатбардошлиги, илм-фан юксалиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Айни сабабдан “Туронбанк” АТБ мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган ишбилармонларнинг лойиҳаларини молиялаштириш билан бирга, давлат-хусусий шериклик тамойили асосида нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш юзасидан ҳам кенг кўламли ишларни олиб бормоқда. Хусусан, молия муассасаси бу борада Навоий вилоятига кўмаклашиш мақсадида давлат томонидан берилган ресурслар ҳисобидан керакли кредит маблағларини ажратиш вазифасини ўз зиммасига олган. Унга кўра, тасдиқланган манзилли рўйхат доирасида 2018-2019 йилларда ҳудудда жами 120 та болалар боғчаси ишга туширилиши учун 232,1 миллиард сўмлик молиявий кўмак кўрсатилиши белгиланган.

— Қисқа вақт ичидаги саъй-ҳаракатлар топшириқларнинг қоғозда қолиб кетмаслигини таъминлади, — дейди “Қуёшжон” МТТ иш юритувчиси Суннатилло Шарипов. — Халқ фаровонлигига ҳисса қўшишни фаолиятининг асосий мезонига айлантирган “Туронбанк” АТБ бу йўналишга масъулият билан киришиб, эртамиз эгаларининг сифатли таълим-тарбия олишлари учун барча имкониятларни ишга солди. Масалан, Қизилтепа туманида 50 ўринга мўлжалланган “Қуёшжон” мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. У замонавий кўринишда таъмирланган бўлиб, машғулот хоналари болаларни мактабга тайёрлашдаги энг илғор услублар асосида замонавий инвентарлар, ақлни чархлашга кўмаклашувчи жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Кичик спорт майдончаси ҳам бунёд этилиб, унда барча зарур анжомлар муҳайё қилинди.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 1,0 миллиард сўм бўлиб, шунинг 750 миллион сўми “Туронбанк” АТБ орқали давлат томонидан ажратилган молиявий кўмак ҳисобланади. Қисқа фурсатда қад ростлаган кўркам боғчада ўндан ортиқ иш ўринлари яратилди. Айни пайтда у ерда малакали педагог ходимлар фаолият юритмоқда. Бундан Ванғози маҳалласи аҳли жуда ҳам мамнун. Сабаби аввалари бундай кўринишдаги болалар боғчаси мавжуд эмас эди.

Шу ўринда қўшимча қилиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги қарорига мувофиқ, давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасидан мактабгача таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш учун 15 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан ресурсларни ажратиш белгиланган. Шу асосда жорий йилнинг ўтган даврида 65 та болалар боғчасига йиллик 1 фоиздан 134,4 миллиард сўмлик маблағ ажратилган.

Мактабгача таълим муассасаларини қуришни янада тезлаштириш мақсадида “Туронбанк” АТБ ҳам ўз маблағлари ҳисобидан вилоятдаги 22 та болалар боғчасига имтиёзли фоизларда 18,8 миллиард сўмлик кредитлар ажратди. Қолаверса, мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш юзасидан қабул қилинаётган қарор ва топшириқлар ижросини сифатли бажариш учун бир поғонали *(филиал-мижоз)* тизимда лойиҳаларни молиялаштириб келмоқда.

Вилоят ҳокимлигининг маълумотларига кўра, 2019 йилнинг ҳозирги кун ҳолатига 125,4 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиб, мактабгача таълимга болаларни қамраб олиш даражасини жорий йилда 51 фоизга, 2020 йилда эса 65 фоизга етказиш бўйича барча зарурий чоралар кўрилмоқда. Шу каби болалар боғчаларининг ишга туширилиши натижасида икки мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиши режалаштирилганини ҳам қайд этиш жоиз.

Айни шу йўналишда амалга оширилаётган ишларни таҳлил қила туриб, Абдулла Авлоний бобомизнинг фикрлари ёдимизга тушади. “Таълим-тарбия — биз учун ҳаёт-мамот масаласидир”. Зеро, қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*







Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 302 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.50 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6